

# ҚИЗИЛ БАЙРОҚНИ ҚУМСАЁТГАНЛАР НИМАДАН УМИДВОР?

12.

@Xolisnazar

@Xolis\_nazar

www.mahalladosh.uz

# Маҳалла



№ 19  
(2001) 2021 йил  
8 май

## ҚАЙСИ ОМИЛ ЎЛИМГА КўПРОҚ САБАБ БўЛМОҚДА:



## КОРОНАВИРУСМИ ЁКИ ЙўЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ?


## ЗАРАР КўРИБ ИШЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИ ҚАЧОНГАЧА БОҚАМИЗ?

6.



## НОГИРОНЛИКНИ ИСБОТЛАШ УЧУН ҚАНЧА САРСОН БўЛИШ КЕРАК?

15.



## АЁЛЛАРНИ ХўРЛАШСА, ҚАЧОНГАЧА ЖИМ КУЗАТАМИЗ?

17.

## СОЛИҚ ЭНДИ «ЁҒЛИҚ» СОҲА ЭМАСМИ?



5.

## НАМАНГАНДАГИ ТЕНДЕРДАГИ ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК ТАСОДИФМИ?



11.



## ВАЗИРЛИҚДА ЎҚИТУВЧИЛИКДАН ЧИҚҚАН ҚАНЧА ХОДИМ ИШЛАЙДИ?

24.

9 май — Иккинчи жаҳон урушида фашистлар устидан қозонилган ғалаба нишонланадиган кун сифатида барчамиз учун қадрли. Қонли жангларда қанчадан-қанча ёш жонлар қурбон берилганини унутиш мумкинми?

# УРУШ САБОҒИ

## ҚАЛБИМИЗДА МАНГУ ЯШАШИ КЕРАК!

Аҳамиятлиси, буюк ғалабада аёвсиз урушларга кирган ота-боболаримизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Уларнинг олис тупроқларда тўқилган қонини, кўрсатган мардлиги жасоратини эсламай илож йўқ. Уруш ортида кексаю аёллар, болалар тортган азобу уқубатлар, чеккан заҳматлар унутилмас тарихга айланган.

Шу боисдан ҳам ушбу санани «Хотира ва қадрлаш кунини» дея байрам қиламиз. Ҳа, бу кунни унутишга заррача ҳаққимиз йўқ. Чунки ушбу машъум уруш бутун дунё учун тинчлик сабоғи бўлди. Жумладан, ўзбек халқининг бугунги тинч-осойишта ҳаёти ҳақида ййлаганда, беш юз мингдан зиёд ўзбек аскарларининг

увол кетган ёш жонлари, оёғи ёки қўлини жангоҳларда ташлаб келган ногиронлар, минглаб бева аёллар ва етим болаларнинг оху ноласи, очлик ва касалликдан нобуд бўлган гўдаклар кўз олдимишга келади. Улар онгу шууримизда тинчликнинг қадрқиммати ҳақида бонг уриб туради.

Уруш даҳшатларига жонли гувоҳ бўлган инсонлар бугун ҳам ҳаёт, лекин йилдан-йилга улар камайиб борапти. Ахир урушда иштирок этган инсонларнинг энг ёши 94 га кирибди. Шунинг учун ҳам давлатимиз бу зотларнинг қадрқимматини жойига қўйишга ҳаракат қилапти. Ҳар йили уруш фахрийлари катта миқдордаги пул мукофотлари билан тақ-



дирланмоқда, уларга чуқур ҳурмат-эътибор кўрсатилаётир. Албатта, бу ишлар мақтаниш учун эмас, шунга бурчли бўлганимиз учун қилинапти, холос. Майли, эъзоз-эътибор, совға-салом, моддий қўллаб-қувватловлар ўз йўлига. Бу билан уларнинг олдидаги қарзимиз узилиб қолмайди.

Гап шундаки, уруш иштирокчилари бизни

тарихнинг мудҳиш давлари билан боғлаб турадиган жонли тимсоллар саналишади. Улар эртага орамизни тарк этишса, бу ип узилади. Одам боласи унутувчан бўлади, йиллар ўтиб «Иккинчи жаҳон уруши» деган сўз бизга даҳшатли туюлмайдими қолиши мумкин. Юқорида уруш фахрийлари олдидаги қарзимиз хусусида бежиз сўз юритмадик.

Бизнинг зиммамизга қонли давр сабоғидан ҳар дам тўғри хулоса чиқариш вазифаси юклатилган. Бунинг учун машъум урушнинг фожиасини, унинг инсониятга, жумладан, халқимизга етказган ўрнини тўлдириб бўлмас улкан талафотларини бир зум ҳам хотирамиздан ўчирмаслигимиз керак. Агар бу юз берса, барқарор турмушимизга, безавол тинчлигимизга бўлган ишонч хиралашади, ўзимизни улкан хатарга қўйган бўламиз. Инчунун, аждодлар олдидаги қарзимизни адо этмаган, келгуси авлодлар олдида эса мажбуриятимизни бажармаган бўламиз.

Айтишингиз мумкинки, биз у даврни кўрмаган бўлсак, қийинчилик ва даҳшат-

ларига гувоҳ бўлмаган бўлсак, қандай қилиб машъум фожианинг оғриқларини қалбимизда сақлаб юрамиз. Йўқ, инсон сабоқ олиши учун айнан ўзи бирор кулфатни бошдан кечириши шарт эмас. Ўтмишда бўлиб ўтган ҳодисаларни ёдда сақлаш, ҳар замон-ҳар замон ота-боболарнинг ибратли кечмишларини эсга олиб туриш етарли. Ўтган кунлардан узилиб қолмаслик зарур. Бизни инсон сифатида намоён этиб турувчи тафаккуримиз чироғини ўчириб қўймасак, енгил-елпи нарсаларга ҳаволаниш орқали оёғимиз заминдан узилмасгина, ўзимизни беҳавотир, беҳатар ҳис қилишга ҳақлимиз.

Тўлқин ШЕРНАЕВ.

### МИГРАЦИЯ

## НЕГА КОРЕЯ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ИШЧИЛАРДАН ВОЗ КЕЧАПТИ?

Ўзбекистонлик мигрантлар учун Россиядан кейин Корея Республикаси асосий иш берувчи мамлакат ҳисобланади. Шу кунгача йилига 2000 нафар ҳамюртларимиз Жанубий Кореяга ишлаш учун кетган бўлса, сўнгги йиллар бу кўрсаткич анча қисқарди.

Ўзбекистонлик ишчиларни ишга ёллаш ҳамда танлаш кўрсаткичи кескин камайиб кетишига асосий сабаблар ID-картага эга бўлгандан кейин иш жойини турли баҳоналар билан тарк этишни («отказ олиш») иш берувчидан талаб қилиш, меҳнат шартномаси ҳамда виза муддати тугагач ноқонуний равишда Корея ҳудудида қолиб кетиш; иш берувчи билан келиша олмаслик ва низоли ҳолатларнинг тез-тез вужудга келиши, одоб-ахлоқ, муомала маданияти ва санитария-гигиена масалаларига аҳамият бермаслик, айрим ҳолларда меъеридан ортиқ спиртли ичимликлар истеъмол қилиш каби ҳисобланади.

Иккинчи томондан мавжуд иш ўринлари учун ўтган танловда қолиб бўлган номзодлар ҳам бугун Кореяга



кета олмаяпти. Бунга сабаб пандемия сабабли E-9 визаси бўйича мамлакатга кириш тақиқланган. Фақатгина бугун Корея томони қисқа муддатли қишлоқ хўжалик ишларига ишчи ёллапти, холос. Корея Республикасида ишлашнинг бу турига қанча маош тўланиши, яшаш ва бошқа харажатлар ҳақида **Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ахборот хизмати раҳбари Ортиқхўжа Норов** қўйидагиларни гапириб берди.

— Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат

муносабатлари вазирлиги ҳамда Корея Республикасининг Канвондо провинциясининг Янггу, Инже, Хонгчон, шунингдек Кёнгангпукдо провинциясининг Йонганг округлари администрациялари (маҳаллий ҳокимликлари) ўртасида тузилган мавсумий ишчилар тўғрисидаги келишувларга асосан 5 ойлик мавсумий ишлар (E-8 визаси) бўйича вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш мақсадида кетаётган ҳамюртларимизга 1800 доллар ойлик маош берилади. Ётоқ ҳамда озиқ-овқат учун иш берувчи ойлиқдан 30 фоиз чегириб қолади. Шунингдек, бошқа харажатлар, жумладан, йўл ҳақи, Ўзбекистон ва Кореядаги карантин муддати учун маблағ тўлиқ фуқаро томонидан амалга оширилади.

Хайрулло АБДУРАҲМОНОВ.

МЕНДА  
САВОЛ БОР...



Автомобиль давлат рақами кўринмаса...

— Сўнгги пайтларда давлат рақамини яширган ҳолда ҳаракатланаётган автомобилларга кўп кўзимиз тушяпти. Бу ҳолтада қандай жазо қўлланилади?

Собиржон ҲАЙИТОВ.  
Тошкент шаҳри.

Фаррух ЖўРАЕВ,  
Адлия вазирлиги масъул ходими:

— Йўл ҳаракати қоидаларига кўра, давлат рўйхатлаш рақам белгилари кўринмайдиган, қалбакилаштирилган, ўзгартирилган бўлса, транспорт воситаларидан фойдаланиш тақиқланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга асосан, давлат рақам белгиларини кўриш имкониятини чеклайдиган, уларни англашга тўсқинлик қиладиган турли ашёлар ўрнатиш ва қоплама суртиш — ана шу қурилмаларни мусодара қилиб, фуқароларга — 245 минг сўмдан 735 минг сўмгача, мансабдор шахсларга эса — 735 минг сўмдан 1 млн. 225 минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бугун жамиятда «маҳаллабай», «хонадонбай», «фуқаробай» деган янги иборалар пайдо бўлгани сир эмас. Аслида, ҳар қандай ислохот фуқаролар манфаатига хизмат қилиши керак. Бунинг учун эса амалдаги ҳаракатлар қуйидан бошланмоғи мақсадга мувофиқдир. Зеро, Ватан оиладан, маҳалладан бошланади, деган ибора бор.

# «МАҲАЛЛАБАЙ» ИШЛАШ МАРКАЗЛАРИ:

## У ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ, АСОСИЙ ЖИХАТЛАРИ НИМАДАН ИБОРАТ?

Масалала шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, кейинги йилларда нафақат маҳаллага, балки ҳар бир хонадонга бўлган эътибор натижасида узоқ йиллардан буён ўз ечимини кутиб турган муаммолар ижобий ечим топа бошлади.

Шу маънода «маҳаллабай» ишлаш дегани, бу — эндиликда ҳар бир оиланинг дардини, ниятини билиб, уларга елкадош, кўмакдош бўлиш, шароит яратишга янада кўпроқ эътибор қаратилади, дегани. Бу — энди юқорида ўтириб ишлаш, турли дастурлар ишлаб чиқишнинг даври ўтди, дегани. Тўғриси ҳам, ҳудуднинг имкониятларини, иссиқ-совуғини билмаган киши унинг тараққиётини қандай



белгилай олади? Шу боис Президент барча даражадаги раҳбарларга фаолияти давомида энг қуйи тизим — маҳалладаги аниқ ҳолатни ўрганишни муҳим вазифа сифатида белгилаб бераётгани ҳам бежиз эмас. Қуйи тизимга тушиш, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш ва уларнинг дарду ташвишлари

га қулоқ тутиш, шу асосда муаммоларни ҳал этиш, бандлигини таъминлаш ва даромадларини ошириш, бу — ҳудудларда жорий этилаётган янги тизимнинг асосий жиҳатларидир. Янги вертикал тизимга кўра, аввало, маҳаллалар даражасидаги ҳақиқий шароит ва аҳвол таҳлил қилиниб, ҳудуднинг имкониятлари ипидан игнасиғача ўрганилмоқда. Бошқача айтганда, ҳар бир оилани қийнаётган муаммонинг ичига чуқурроқ кирилиб, уларнинг қандай ўй-ташвишлари бор, барчасига индивидуал жавоб топилапти. Зотан, маҳаллалардаги муаммоларни ҳис қилмай, ҳудудлар ҳолатига баҳо бермай

туриб, уларни ривожлантириш амримаҳол.

### Янги тизим қандай ишлайди?

Ҳозир юртимизда 9 минг 216 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият юритмоқда. Албатта, бир маҳалладаги ҳолат иккинчисига умуман ўхшамайди. Бошқача айтганда, «ўсиш нуқталари»ни белгилашда, ривожланиш дастурларини тайёрлашда ўша ҳудуд имкониятларига таянилади. Ишга бундай ёндашув, шубҳасиз, натижадорликни таъминлайди. Давлатимиз раҳбари жорий йил 15-16 апрель кунлари Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида «маҳаллабай» ишлашда Самарқанд тажрибасини йўлга қўйиш топшириғини берган эди.

2021 йил 6 апрелда Президентимиз томонидан имзоланган «Самарқанд вилоятида эксперимент тариқасида маҳаллабай ишлаш тизимини жорий этишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор билан айни йўналишдаги ишлар тизими белгилаб берилди. Хўш, янги тизим қандай ишлайди? Унинг афзалликлари нималарда кўринади? Янги тажриба барча ҳудудларда ҳам бирдек ҳаётга татбиқ этиладими?

Ҳужжатга кўра, 2021 йил 1 июндан Самарқанд вилояти туман (шаҳар) ҳокимликларида «маҳаллабай» ишлаш тизими эксперимент тариқасида ўтказилади. Бунда «Маҳаллабай» ишлаш марказлари давлат муассасаси шаклида ташкил этилади. Марказлар фаолияти туман (шаҳар) ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари томонидан мувофиқлаштириб борилади.

Қолаверса, ҳар учта маҳаллага биттадан «маҳаллабай» ишлаш инспекторлари бириктирилади. Дейлик, Самарқанд шаҳрида 81 нафар, Каттақўрғон шаҳрига 21 нафар штат ажратилади. Қишлоқ туманларига эса 21-45 тагача штат берилади. Бу ўринлар бандликка кўмаклашиш марказлари ишга жойлаштириш инспекторлари штатларини қисқартириш ҳисобидан шакллантирилади. Шунингдек, фуқаролар йиғини раисининг ободонлаштириш, томорқа ва тадбиркорлик масалалари бўйича ўринбосари лавозими негизда раиснинг тадбиркорлик ва томорқа масалалари бўйича ўринбосари лавозими жорий этилади.

Марказлар фаолияти Пастдарғом, Ургут ва Булунғур туманларида жорий йил 1 июндан ҳамда вилоятнинг қолган туман(шаҳар)ларида 1 августгача ташкил этилади. Мабо-до натижалар яхши бўлса, келаси йилдан республиканинг барча ҳудудларида бу амалиёт жорий қилинади. Марказ маҳаллалар кесимида тўпланган

муаммо ва мурожаатларни мувофиқлаштириб, уларни ҳал этишни ташкил этади. Асосийси, у амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан ҳар чоракда халқ депутатлари туман Кенгашида ҳисобот бериб боради.

Қарорга кўра, мурожаатларни қабул қилиш ва ҳал этишда шаффофликни таъминлаш, инсон омилини камайтириш мақсадида марказ ва фуқаролар йиғини фаолиятини ўзаро боғлиқ ҳолда рақамлаштиришни назарда тутувчи «Онлайн маҳалла» дастурий таъминоти ишлаб чиқилади.

\* \* \*

Умуман олганда, бу тизим орқали оиланда камида бир киши доимий даромад манбаига эга бўлишига эришилади. Самарқанд вилоятида фойдаланиётган ерларда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш имконияти яратилиб, маҳаллалардаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ ва самарали фойдаланилади. Аслида, ҳар бир маҳалланинг даромад манбаи, «ўсиш нуқтаси» бор. Уйма-уй юриб, уларни қийнаётган масалаларни ҳал этиш орқали аҳолини ҳаётдан рози қилишга эришиш мумкин. Зеро, маҳаллада истиқомат қилаётган ҳар бир юртдошимиз иш билан банд бўлса, даромад манбаи таъминланса, улуғвор мақсадларга дадил қадам қўя оламиз. «Маҳаллабай» тизимининг жорий этилиши шу жиҳатлари билан аҳамиятлидир.

**Сайёра ЖУМАЕВА,**  
Самарқанд вилояти  
Маҳалла ва оилани  
қўллаб-қувватлаш  
бошқармаси  
бошлиғининг биринчи  
ўринбосари.



### РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

## «МАҲАЛЛАМИЗДА МУАММО ЙЎҚ»

Маҳалламизда 462 та хонадон бўлиб, 2406 нафар аҳоли истиқомат қилади. Кейинги йиллардаги ўзгаришлардан барча мамнун. Айтсам ишонмайсиз, ҳамма ислохотлардан миннатдор.

Сабаби, охириги йилларда узоқ йиллик муаммолар ечимини топди. Мисол учун, маҳалламиз «Обод қишлоқ» дастури асосида янги қиёфа касб этган. Олтита кўчамизнинг барчаси шағалланди, ёритиш тизими янгиланди, ҳаммасига тоза ичимлик сув тармоғи тортилди. Қишлоқ аҳли фарзандлари учун 2020 йилда янги боғча қу-

риб битказилди. Бу йил эса 320 ўринли мактаб қурилиши бошланди.

Кимларгадир эриш туюлар, аммо бор гап шуки, маҳалламизда ҳеч қандай муаммо йўқ. Борларини вақтида ва жойида ҳал қиляпмиз.

**Ўлмас ҲУСАНОВ,**  
Наманган  
туманидаги  
«Ўлмас»  
маҳалласи раиси

# ҚАЙСИ ОМИЛ ЎЛИМГА ЭНГ КЎП САБАБ БЎЛМОҚДА: КОРОНАВИРУСМИ ЁКИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАСИ?

**Соғлиқни сақлаш вазирлиги берган маълумотга кўра, шу кунга (7 май ҳолати бўйича) қадар коронавирус касаллигидан вафот этганлар сони 660 нафарни ташкил қилмоқда. Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси хабарида эса 2021 йилнинг 3 ойида 1491 та содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида 394 нафар одам қурбон бўлган.**

**Кўриниб турибдики,** йўл-транспорт ҳодисалари натижасида вафот этаётганлар сони анчагина. Бироқ негадир бундай салбий кўрсаткичларнинг олдини олишга коронавирусчалик жиддий эътибор қаратилмаяпти? Нега йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқарувчи омиллар бартараф этилмаяпти?

**Албатта,** аввало, бунга ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслиги сабаб. Бироқ ана шу сабабларни келтириб чиқарувчи бир қанча омиллар ҳам бор.

**Биринчиси,** ҳайдовчиларни тайёрловчи автомактаблар. Сир эмас, ана шундай автомактабларга бир

кун ҳам бормасдан ҳайдовчилик гувоҳномасини олганлар, олаётганлар ҳамон учрамоқда. Бундай мактабларнинг аксариятида амалиётдан кўра, назарий жиҳатларга кўпроқ эътибор қаратилади. Ўқувчиларнинг бирдан-бир мақсади эса тестдан муваффақиятли ўтиш. Оқибатда бундай ёш ҳайдовчилар нафақат ўзини, балки бошқа ҳайдовчиларнинг ҳам йўл-транспорт қоида-сини бузишига мажбур қилмоқда.

**Иккинчи** сабаб, йўлларнинг носозлиги, йўл белгиларнинг тўғри ва тўлиқ ўрнатилмаганидир. Айниқса, сон-саноксиз ўнқир-чўнқир йўллару чизик белгилари

йўқлиги сабабли кўплаб авария ҳолатлари юз бермоқда. Шунинг учун, аввало, йўлларни стандарт талабларга мос тарзда қуриш, таъмирлаш, зарур йўл белгиларни ўрнатиш лозим. Энг муҳими, катта трасса йўллар ўртасидаги бетон тўсиқларни бироз баланд кўтариш керак. Чунки кечаси ҳаракатланаётган транспорт чироқлари ҳайдовчиларнинг кўзларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиб, жиддий халақит бермоқда.

**Асосий омиллардан яна бири** ҳайдовчиларда бир-бирига ҳурмат, ҳайдовчилик маданияти йўқлигидир. Шошма-шошарлик, сабрсизлик, беҳурматлик ҳам кўплаб салбий йўл-транспорт ҳодисаларини келтириб чиқармоқда. Шу боис ҳайдовчиларни тайёрловчи автомактабларда ҳайдовчилик маданиятига оид дарс соатларининг киритилиши ҳам мақсадга мувофиқдир.



**Буни қарангки,** Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан **2021 йил 1 июндан** автоматотранспорт воситалари ва шаҳар электр транспорти воситалари ҳайдовчиларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича нодавлат таълим хизматлари учун лицензияга эга тадбиркорларга барча тоифадаги автоматотранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш учун назарий ва

амалий имтиҳонларни ўтказиш ҳуқуқи берилар экан.

**Хўш,** бу тизим ўзини қанчалик оқлайди? Албатта, буни вақт кўрсатади. **Бироқ** шу вақтга қадар назарий ва амалий имтиҳонларни ўтказиш жараёнида коррупцион ҳолатлар бўлганини инкор этиб бўлмайди.

**Назаримизда,** йўл-транспорт ҳодисалари билан боғлиқ авариялар, айниқса, фуқароларнинг ҳалокатга учраши барчамизни худди коронавирус сингари жиддий ташвишга солиши керак. Бу соҳага ҳам мил-

лиард-миллиардларни сарфлаб, муаммонинг олдини олиш вақти келди.

**Яна бир гап.** Давлат ва хусусий автомактаблар фаолиятини мунтазам мониторингини ўқатиш зарур. Қайси автомактаб битирувчилари авария ҳолатини кўп содир этаётган бўлса, ўша мактабнинг фаолиятига чек қўйиш керак. Йўқса, «ўпкасини» босолмайдиган ҳайдовчилар кўпайиб, қурбонлар сони ортиб кетаверади.

**Мақсадбек Қўқоров.**

## АКС-САДО

### ҲОКИМЛИК МУНОСАБАТ БИЛДИРДИ

Маълумки, газетамизнинг шу йил 1 май (17-18) сонида «Ўқувчи қиз «Ёшлар дафтари»га қандай киритилган?» сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда мактаб ўқувчиси «Ёшлар дафтари»га қандай киритилганлиги савол остига олинганди.

Таҳририятимизга **Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги ахборот хизмати** томонидан ушбу мақолага расмий муносабат билдирилди. Қўйида уни эътиборингизга ҳавола этапмиз. «Дарҳақиқат, ахборот хизмати томонидан тайёрланган лавҳада мактаб ўқувчиси интервью берган. Ушбу оила «Ҳар бир оила – тадбиркор» Давлат дастури доирасида 14 бош қўй олган ва интервью берган қиз оила бекаси Мукамбар Зокированинг қизи.

Гап шундаки, **Ўрта-чирчиқ тумани «Наму-**

**на» маҳалласи Нурли кўчасида яшовчи Мукамбар Зокирова «Ҳар бир оила – тадбиркор» Давлат дастури доирасида 29 миллион сўм имтиёзли кредит олган. Имтиёзли кредитга харид қилган 14 бош қўйни уч қизи билан парваришлайди.**

Ишчи гуруҳи ушбу хонадонга борган вақтда эса дастур доирасида олинган қўйларни парваришлайётган хонадон соҳибасининг қизи интервью берган.

**Ўрта Чирчиқ тумани ҳокимлиги ахборот хизмати»**

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

### ЗАКОТГА ҚОДИР БЎЛГАНЛИКНИ ҚАНДАЙ АНИҚЛАШ МУМКИН?

**– Киши закотга қодир бўлганини қандай аниқлайди?**

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Закот бериш фарз бўлиши нисоб ва йил ўтишига боғлиқ. Ислонда нисоб-бойлик даражаси мол-мулкнинг 85 грамм тилла ёки унинг қийматига етиши билан ўлчанади. Бу бойликка аслий ҳожатлари: уй-жойи, уй асбоблари, кийим-кечаклари, касб асбоблари ва улов(машинаси)нинг қиймати қўшилмайди.

Демак, кимда қарзларидан ортиқча 85 грамм тилла ёки унинг қийматидаги кумуш, қоғоз пуллар ва тижорат моллари бўлса, унинг моли нисоб (бойлик миқдорига) етган бўлади. Бундай киши моли нисобга етгани учун

энди закот ололмайди. Қамарий тақвим бўйича роса бир йилдан кейин ҳам нисоб миқдоридидаги мол-мулк эҳтиёждан ортиқча бўлиб, ишлатилмай турган бўлса, ана энди фақирларга мол-мулкнинг 1/40 (қирқдан бир, яъни 2,5 фоиз)ини закот сифатида беради. Масалан, бир кишининг моли Мухаррам ойида 85 грамм тилланинг қийматига етди. Келаси йил Мухаррам ойида эса моли 100 грамм тилланинг қийматига етди. Шунда у мол-мулкнинг 1/40и, яъни, 2,5 грамм тилланинг қийматини закот қилиб беради. Йил ўртасида қийматнинг кўпайиб-камайгани эътиборга олинмайди. Валлоҳу аълам.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати.**

Давлат хизмати органлари ходимлари даромадлари тўғрисида декларация тўлдиришлари кераклиги ҳақида кўпдан буён гапириляпти. Бу, тўғри. Ҳоким, директор, ҳуқуқ идоралари ходими қиммат машина, данғиллама ҳовлини қайси маошга олганини билишимиз керак.

# СОЛИҚ ЭНДИ

## «ЁҒЛИҚ» СОҲА ЭМАСМИ?

Агар даромади ва яшаш тарзи бир-бирига мос келмаса, унинг «кимлиги» аён бўлади-қолади. Бу тўғрисидаги қонун аслида ўтган йили қабул қилиниши керак эди. 2019 йилги Давлат дастурга кўра, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига соҳага оид Президент қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган.

2020 йил 1 январдан мамлакатда босқичма-босқич давлат органлари ходимларининг даромадларини декларациялаш тартиби амалиётга тadbик қилина бошланиши лозим эди. Аслида, бу ерда «босқича-босқич» сўзининг ўзи ўринсиз. Нега энди «босқичма-босқич»? Нега бирдан эмас? Нимани кутишимиз керак..? Ўша пайтларок мазкур саволларга турлича талқинда жавоблар янгради. Кимларда катта ўғрилари пул-

ларини «ҳалоллаб» олгунича, деса, бошқалар мансабга янги келган вазиру, ҳокимлар «йиғим-терим»ни яқунлагунича, деб муносабат билдирди.

Аммо нима бўлганида ҳам мазкур режалар режалигича қолиб кетди. 2020 йил 1 январда ҳам, йилнинг қолган қисмида ҳам декларациялар тўғрисидаги қонун қабул қилинмади. Ҳеч қим, ҳеч ниманинг ҳисобини бераётгани йўқ. Натижада 2020 йил тарихимиздаги энг коррупциялашган йил бўлди, десак ҳам янглишмасак керак. Яхши ниятларда ташкил қилинган жамғармалар, маҳалла раислари, мактаб директорлари, ҳокимлару ўринбосарлар, вазир ўринбосарлари ва ҳатто айрим холларда бевосита вазирларга ишора қилинган коррупцион, талон-торожликка оид жуда кўплаб жиноий ишлар жамиятни ларзага солди.

Жорий йил эса декларациялашга оид хабарлар расмий доираларда яна янграй бошлагани қувонарли. Масалан, Давлат солиқ қўмитаси ўз хизматидаги ходимлар учун даромадларни мажбурий декларация қилиш таклифини илгари сурмоқда. Таклифга кўра, солиқчилар ўзларига тегишли ҳаракатланувчи ва кўчмас мулклар, шунингдек, йил давомида умумий даромадларидан олинган бошқа активлари тўғрисидаги маълумотларни декларацияда кўрсатишлари керак бўлади. Ҳужжат лойиҳасига кўра, 2021 йил 1 июлдан янги тартибни жорий этиш режалаштирилмоқда. Бунда солиқ органларининг юқори лавозимли мансабдорларига тегишли даромадлар ва мол-мулк мажбурий декларация қилинади. Декларацияда акс эттирилган ва 2020 йил 1 январгача мавжуд



бўлган активларнинг келиб чиқиш манбасини тасдиқлаш талаб қилинмайди. Солиқ хизматининг барча ходимлари 2021 йил 1 сентябргача 2020 йил учун активлари ва даромадлари тўғрисидаги декларацияларини топширишлари керак. Кейинги йилдан бошлаб эса ҳар йили 1 апрелга қадар декларация топширилади.

Декларацияларни қайта ишлаш йўли билан олинган маълумотлар шахсий маълумотлар тўғрисидаги қонунчилик

талабларини ҳисобга олган ҳолда, ochiq.soliq.uz махсус сайтига барча учун очиқ ҳолда жойлаштирилади. Масалан, кўчмас мулкка нисбатан объектнинг тури, умумий майдони ва жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар мажбурий равишда эълон қилиниши шарт.

Бу ишлар тўғри ва, албатта, имкон қадар тезроқ барча давлат органларида жорий этилиши керак. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳали ўрганиб чиқилмаяпти. Хўш, декларация ҳақиқий

тузилганини текшириб чиқиш тартиби нима бўлади? Пора эвазига олинган машинани, томорқадан ёки кичик дўкончадан олинган даромадимга харид қилдим, деб ёзиб қўйишга давлат хизматчисига нима ҳалал беради? Бунинг тизими ишлаб чиқилиши лозим. Бундан ташқари, ҳақиқатга мос бўлмаган декларация тузилгани учун ўта жиддий жазо белгила- ниши керак.

Улуғбек  
ИБОДИНОВ.

### РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

## «СУДЛАР МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИНИНГ ФИКРИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТСА...»

Раисларга қўшимча штат ажратилиши кераклиги тўғрисида кўп гапирди. Бу, тўғри. Агар биз, ҳақиқатдан ҳам, маҳалла тизими белгиланган топшириқларни вақтида, сифатли бажариши, муаммоларни тезликда ҳал этиши, шу билан бирга, тегишли ҳужжатларни ҳуқуқий савод билан тўлдиришини истасак, қўшимча штат бўлиши шарт. Акс ҳолда кўп ишлар ўлда-жўлда, чала қолаверади. Идора фаолиятдан ҳаммани бирдек рози қила олмай- миз. Чунки, шунчаки, вақт етмайди.

Бундан ташқари, кўчабошилар, жамоатчи оқсоқолларни коммунал тўловлардан имтиёзлар бериш эвазига рағбатлантириш борасидаги ташаббуслар ҳам жим-жим бўлиб кетди. Аслида- ку, нафақат қўшимча штат, балки ҳар бир маҳаллага хизмат машинаси ҳам ажратилиши лозим. Айрим маҳаллалар 7-8 километрга чўзилган. Раис худуднинг у бошидан бу бошига боргунича куннинг ярми ўтиб кетади. Майли, балки бунга ҳозир имкон

йўқдир. Аммо қачондир, тез-орада шундай бўлиши керак.

Маҳалламизда салкам 4 минг нафар аҳоли истиқомат қилади. Шунга яраша муаммо ва ютуқларимиз бор. 107 нафар фуқаромиз меҳнат миграциясида, ажралишлар кам бўлса-да, бўлиб турибди. Шукрки, 3 йилдан буён ҳудуда бирорта жиноят кузатилмади.

Тажрибамдан келиб чиқиб айтаман. Аёллар, келинларимизни эркалатиб қўйдик. Гендер тенглик, деб баъзан ўтказиб юбо-

ряпмиз, чоғи. Яқинда бир оилани яраштириш учун боргандим. Куёв туппа-тузук жойда ишлайди. Маоши ҳам ҳавас қилгулик. Соғлом, ёш, чиройли. Хуллас, бир келинни бахтли қиладиган йигит. Оилада икки фарзанд бор. Шунга қарамай, келинчак ажрашаман, деб туриб олган. Онаси ақл ўргатапти. Эрдан икки ярим миллион сўм алимент олиб, яна ўзи ўқитувчилик қилса, мазза қилиб яшайверармиш. Тўғриси, куёвнинг арзигулик айбини тополмадим. Бир гуноҳи



сигарет чекаркан. Келинга қўл кўтармайди. Яширин хотини йўқ, пиёниста эмас. Биз кўриб турибмиз, билиб турибмиз. Келинчак, шунчаки, қайнона-қайнотага, эрга хизматини миннат этяпти. Алимент пулини олиб, ялло қилиб яшамоқчи, холос. Икки боланинг отасиз ўсиши унга фожиа бўлиб туюлмапти.

Менимча, шу каби ҳолатларда судлар

маҳалла фаолларининг фикрига эътибор қаратса, яхши эди. Аёлларга ҳам оилавий ажралишларнинг сабабчиси бўлишганида, айрим таъсир чоралари қўлланилиши керак.

Малика  
АБДУРАҲМОНОВА,  
Қўштепа туманидаги  
«Қўрғонча» маҳалла  
фуқаролар йиғини  
раиси.

# ЗАРАР КЎРИБ ИШЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРНИ ҚАЧОНГАЧА БОҚАМИЗ?

Бозор иқтисодиёти талабига кўра, фойда келтирмайдиган субъектлар инқирозга маҳкумдир. Давлат активларини бошқариш агентлиги эълон қилган 2020 йил якунлари бўйича энг кўп зарар кўрган 10 та корхона рўйхатига назар соларкансиз, биз ҳозир қандай даврда яшаётганимизни англолмай қоласиз.



Бунинг ортида хўжасизлик, фойда зарарни ҳисоб-китоб қила олмаслик, иқтисодий жиноят ётмаганмикин, дея хаёлга борасиз.

Келинг, бу корхоналар билан танишамиз. Рўйхатни 3,6 трлн. сўмлик зарар билан «Ўзтрансгаз» АЖ бошқариб турибди. Солиштириш учун 2019 йилни жамият

2,1 трлн. сўм зарар билан яқунлаган. Бу рақамлар изоҳи учун «Йилдан-йилга салбий томонга салмоқли ўсиш» дейишдан бошқа таъриф йўқ.

Ажабланарлиси, юртимиз табиий газ конларига бой бўлсада, халқимизни ундан маҳрум этиб, четга экспорт қиламиз, лекин оқибатда кўрилган «фойда»мизни баҳо-

лашга мантқиқ қоидалари ишламай қолади. Ахир сотилаётган газнинг пули қаёққа кетяпти?

Кейинги ўринни эса 755 млрд. сўм зарар билан «Uzbekistan Airways» АЖ ишғол қилган. Қўшни давлатлар авиакомпаниялари арзон хизматларни таклиф қилиб ҳам дуппа-дуруст фойда кўраётган чоғда, бизники нега қиммат авиачипталар сотиш орқали ҳам зарар кўрган корхоналар орасида етакчилардан бирига айланиб турибди.

Ё алҳазар, дейишдан бошқа калима тилга келмайди. Энг қизиғи, бу зарар давлатнинг бўйнига

тушади. Давлат бюджети халқ тўлайдиган солиқлардан шаклланишини ҳисобга олсак, биз авиакомпанияга ҳам қиммат чипта учун пул тўлаймиз, ҳам унинг зарарларини қоплаб берамиз.

Рўйхатда «Янги Ангрен ИЭС» АЖ (246 млрд. зарар), «Ўзбеккўмир» АЖ (184 млрд. сўм зарар) ва «Ангрен ИЭС» АЖ (178 млрд. сўм зарар) ва бошқа корхоналар ҳам жой олган.

Уларнинг барчаси ҳақида алоҳида тўхталиш ниятимиз йўқ. Фақат шуни таъкидлаш керакки, кўпчилигида олдинги йилга қараганда рақамларда катта ўсиш бор. Бунга ушбу корхоналарнинг

мутасаддилари турли ваҳ-баҳоналар топиши, ўзларини оқлаши мумкин, лекин чўпчакларга қачонгача ишониб яшаймиз?

Улар мавжуд ҳолатларга мантқиқдан йироқ изоҳлар беришдан, биз эса эшитишдан чарчамаямиз. Энди фақат ва фақат натижа талаб қилиш вақти етди. Удалашолмас, уларга нисбатан аниқ ва таъсирчан чоралар кўрилишини белгилаш керак. Ёки жавобгарликка тортилишини олдиндан бўйнига олсин ёки масъулиятли лавозимини топширсин. Бошқа йўл йўқ.

**Илғор ЗАМОНОВ,**  
блогер.

## СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

# ФАРЗАНДНИ ЎРТАГА ҚЎЙИБ ТИЛАНЧИЛИК ҚИЛИШ БИЗГА ТЎҒРИ КЕЛАДИМИ?

Бундан йигирма кунлар олдин банкмат олдида пластик картандан пул ечаётганимда қаердандир бир йигит пайдо бўлдию фарзанди рақ эканини, унга дори-дармон олиб бориши учун 50 минг сўм етмаётганини айтиб, ёрдам сўради.

**Аввалига ишонмадим.** Лекин ўртага Аллоҳ номини қўйиб, фарзанди анча вақтдан буён бетоб эканини, мўмин-мусулмонлар бир-бирига ёрдам беришини, ўзи Умрага бориб келганини, иномарка машиналари ҳам борлигини, лекин айни пайтда дорига 50 минг сўм етмай қолганини, кечга қайтариб беришини айтгач, тўғриси, сўзлари ёлғон эмаслигига ишондим. **Қолаверса,** юриш-туриши яхшигина, сўзларидан ҳам дину диёнатдан яхши хабардордай туюлди. Телефон рақамини ҳам бергач, шубҳаларим ҳам бироз ўзгарди. **Бироқ...**

Олган пулини шу куни кечкурун берман деган инсондан 2 кун ҳам ўтдики, дарак бўлмади. Учунчи куни берган рақамига телефон қилиб, «эсингиздами, бундан уч кун олдин шундай воқеа бўлганди, пулни ҳам



бермай кетдингиз», дедим. «Ҳа-ҳа, эсимда, қаерда бўласиз, бироздан кейин телефон қиламан», деди. Мен эса эртага эрта-лаб соат 9-00да пулни олган жойингизга келинг, дедим-да телефонни ўчирдим.

**Афсуски,** у яна алдади...

**Яқинда** яна шундай ҳолатга гувоҳ бўлдим. **Гап шундаки,** ҳамкасбларим билан ишдан қайтгач, манзилимизга етмасдан ифторлик вақти бўлиб қолди. Йўлда бир дўкон олдида тўхтаб, у ердан сув ва тамадди

учун яна бир маҳсулот харид қилиб, машинада ўтириб оғзимизни очдик. **Буни қарангки,** яна ўшандай, 20-23 ёшлар атрофида сипо кийинган бир йигит келиб, фарзанди шифохонада касал эканини, манзилга етиб олиш учун 10 минг сўм етмаётганини айтиб, пул сўради...

**Яна бир манзара.** Куни кеча бир манзилдан ифторликдан уйга қайтаётиб, катта чорраҳада, светофор олдида бир аёлга кўзим тушди. Мўмин-мусулмон аёлларга хос кийинган 30 ёшлар

атрофидаги бу аёл ҳомиладорлик ҳолатига қарамасдан, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, машиналар оралаб китоб сотиб юрибди...

Яна бир ҳамкасбимиз ҳам автосервисда шундай ҳолатга дуч келибди. Беморни бориб кўрмоқчи бўлибдию бироқ машинаси носоз бўлгани учун бунинг имконини тополмабди.

**Мана шундай ҳолатларни кузатгач,** мени бир нарча ўйлантириб қўйди, ақлу ҳуши жойида, муомаласи ҳам яхшигина, сипоги кийинган инсонлар Аллоҳ номини, фарзанди номини ўртага қўйиб, ёлғон сўзлаётганлар сони нега кўпайиб бормоқда?

Ҳақиқатдан ҳам муҳтож бўлиб қолгандир-да, дейсизми? **Назаримизда,** бундай эмасдай. Негаки, яқинда бир инсон, «онам касал, дори-дармон учун пул

керак», деб кўчада юрган боланинг гапига ишониб, унинг онасига чиндан ҳам ёрдам беришни, шифохонага олиб боришни ният қилиб, бола ҳамроҳлигида унинг хонадонига йўл олади. Бироқ хонадон дарвозасидан кириши билан унинг бошига темир билан уришади...

Агар улар ҳақиқатдан ҳам ёрдамга муҳтож бўлса, маҳалладагилар, имом-хатиблар бундан хабардор бўлиши керак эди. Айниқса, бугунги савоб-талаб рамазон ойида.

**Назаримизда,** ваколатли ташкилот вакиллари бу масалани назоратга олиб, ўрганиши барчаси ойдинлашарди. Бу ҳақда аҳолини хабардор этиб, маслаҳат беришса хайр-эхсон қилувчи инсонларимиз ҳам алданиб қолмасди.

**Р.ЮСУПОВ.**

Бугунги кунда пойтахтимизнинг аксарият аттракционга эга истироҳат боғларига киришда картага пул ташлаш орқали кириш тизими амал қилади. Аттракционларда фақат махсус пластик карталарга пул тушириш орқали фойдаланиш мумкин. Билет олиш орқали тўловларни амалга оширишнинг имконияти мавжуд эмас.

# ИСТИРОҲАТ БОҒИДАГИ КИНФИРЛИКЛАР:

## АТТРАКЦИОН КАРТАЛАРИДАН 335 МЛН. СЎМ ОГОҲЛАНТИРИШСИЗ ЕЧИБ ОЛИНГАН

**Буни қарангки,** ана шундай картага эга фуқаронинг картасидаги 60 минг сўм пул ҳеч қандай огоҳлантиришсиз ечиб олинган. **Гап шундаки,** Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилган истеъмолчининг ҳисобидан Тошкент шаҳридаги **Мирзо Улуғбек номидаги «Марказий боғ»** («Central Park») учун олинган картасидаги 60 минг сўм пул маблағи огоҳлантиришсиз ечиб олинган.

**Ажабланарлиси,** бу ҳолат битта эмас экан. Агентлик ходимлари томонидан ушбу масалани ўрганиш жараёнида мазкур истироҳат боғи ҳудудида фойдаланиш учун мўлжалланган карталар билан боғлиқ муаммо яна **бир неча минг истеъмолчиларга** ҳам тааллуқли эканлиги маълум бўлди.

**Хўш, ким айбдор: истеъмолчимиз ёки парк маъмурияти?**



Нима учун бу ҳақда ўз вақтида истеъмолчига маълумот берилмаяпти?

**Шуни таъкидлаш лозимки,** тўлов картанинг орқа томонидан унинг амал қилиш муддат кўрсатилган. Муддат тугагандан сўнг, ундаги маблағлар карта эгасининг аризасига асосан, хизмат кўрсатувчи касса томонидан 3 кунлик муддатда янги карталарга ўтказиб берилади. Аслида махсус карталарнинг амал қилиш **муддати 2020 йил 31 декабр гача деб кўрсатилган.** Лекин 2020 йил тугаши арафасида картанинг амал қилиш

муддати ва уларни алмаштириш тартиблари ҳақида **истеъмолчилар бирон марта ҳам огоҳлан-тирилмаган.** Истироҳат боғига борган истеъмолчи картадан фойдалана олмагандан сўнггина бу ҳақда хабардор бўлган.

**Қонунга мувофиқ,** «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг **6-моддасига** асосан, ишлаб чиқарувчи (ижрочи, сотувчи) истеъмолчига ўзи реализация қилаётган товар (иш, хизмат)лар ҳақида ўз вақтида зарур, тўғри ва тушунарли маълумот бериши шарт.

Шунингдек, **21-моддага** асосан, сотувчи (ижрочи) истеъмолчини ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишга қисташга, шунингдек кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишга ҳақли эмаслиги белгиланган.

Агентлик ушбу ҳолатларга аниқлик киритиш мақсадида «Jet Invest» МЧЖ ҚКга тегишли сўровнома юбориб, ҳолат юзасидан тушуштириш олинди. **Унга асосан,** 2018 йилдан буён «Jet Invest» МЧЖ ҚКга тегишли «Марказий боғ» («Central Park») томонидан **130 000 та истеъмолчиларга** боғда фойдаланиш карталари расмийлаштириб берилган. **Қаранг,** амал қилиш муддати ўтган **18 291 та махсус карталарда** истеъмолчиларнинг ҳисоб рақамларида **335 610 000 сўм мавжуд бўлган.** Истироҳат боғи маъмурияти таъкидлашича, бунга пандемия пайтида тўлов тизимида юзага келган техник носозлик сабаб бўлган. **Агентликнинг кўрсатмасига асосан,** бугунги кунга қадар мазкур истироҳат

боғи томонидан **643 та истеъмолчига 14 872 400 сўм маблағ қайтарилди.** Агар сизда ҳам шундай махсус пластик карта бўлса, текширтириб турунг. Бордию юқоридаги каби муаммоларга дуч келсангиз, 11-59 қисқа рақами орқали Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлигига мурожаат қилинг

**Мохрухсор ТАГАЕВА,**  
Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги бўлим бошлиғи.

### РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

## ИШСИЗЛИК — ЭНГ КАТТА МУАММОМИЗ

Маҳалламиз ҳудудида бешта қишлоқ жойлашган. Аҳоли, асосан, деҳқончилик орқали кун кечиради. Пиёз, ловия ва помидор етиштирилади. **31 та фермер хўжалиги бўлиб,** улардаги мавсумий ишларда кўпчилик меҳнат қилади.

Маҳалламизнинг шу пайтгача ўз идораси бўлмаган. Ҳозирда тадбиркор кўмагида янги идора қуриляпти. Шу ойнанинг охирида кўчиб киришни режалаштириб қўйганмиз.

**Муаммолар кўп.** Йўлларимизнинг аҳволи яхши эмас. 12 та трансформатордан 2 таси мутлақо яроқсиз ҳолатга келган.

Қолганлари ҳам эски. Симёғочлар ўз муддатини ўтаб бўлган. Алмаштириш керак. Бу муаммолар бўйича керакли жойларга мурожаат қилганмиз. Натижасини кутяпмиз. Ҳудудимизга битта тиббий пункт қилиб берилса, яхши бўларди. Аҳоли учун бу жуда керак.

**Яна бир гап.** Иш-

сизлик бугунги кунда энг катта муаммо. Шу туфайли 272 нафар фуқаромиз хорижга чиқиб кетган. Ҳудудимизда бирон-бир корхона очилиб, одамлар иш билан таъминланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Маҳалладаги ёшу қари қўшни тумандаги корхоналарга қатнаб ишлашга мажбур бўлишяпти.



**Чаман ҚАРШАНОВА,**  
Булунғур туманидаги «Янгиариқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

Мамлакатимизда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнлари халқаро нормалар ҳамда демократик принципларга тўла жавоб беришида миллий қонунчиликнинг аҳамияти беқиёсдир.

# САЙЛОВ КОДЕКСИГА

## ҚАНДАЙ ўЗГАРТИРИШ ВА ҚўШИМЧАЛАР КИРИТИЛЯПТИ?



**Фирдавс ШАРИПОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати

Таъкидлаш жоиз, сайлов тўғрисидаги амалдаги қонунчиликнинг тахлиллари сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ҳамда сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар бериш борасида айрим муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Шундан келиб чиқиб, куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг

**Сайлов кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонун лойиҳасини атрофлича кўриб чиқдик. Мазкур лойиҳа билан Сайлов кодексининг **11 та моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.**

**Хусусан,** амалдаги Сайлов кодексига мувофиқ, сайлов комиссияларининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятлар судлар билан бир қа-

торда, юқори турувчи сайлов комиссияларига ҳам берилиши мумкин. Бунда, судлар ва сайлов комиссияларига такрорий шикоятлар тушиши, улар томонидан бир-бирига зид бўлган қарорлар чиқарилиши эҳтимоли мавжуд бўлади. Шундан келиб чиқиб, лойиҳада шикоятлар фақат суд томонидан кўриб чиқилиши белгиланмоқда.

**Яна бир муҳим масала.** Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 29 июлдаги «**Оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига мувофиқ, оммавий тадбирларни ўтказиш қоидаларида сайловолди тарғиботини ўтказиш учун ҳокимликлардан рухсатнома олиш лозимлиги белгиланган. Қонун лойиҳаси билан сайловчилар би-



лан учрашувлар каби оммавий тадбирлар уларнинг ўтказилиши жойи ва вақти ҳақида туман (шаҳар) ҳокимликлари камида **3 кун** олдин ёзма равишда хабардор қилинган ҳолда ўтказилиши, бунда ушбу оммавий тадбирларни ўтказиш учун **алоҳида рухсатнома талаб этилмаслиги белгиланмоқда.** **Қолаверса,** амалдаги қонунчиликка

биноан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишда **6-8 нафар** аъзодан иборат округ сайлов комиссиясида мингга яқин участка сайлов комиссиялари тузилади.

**Тажриба шуни кўрсатмоқдаки,** бу ҳолат участка сайлов комиссиялари фаолиятини мувофиқлаштиришда қийинчиликларни туғдирмоқда. **Шу сабабли,** Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш бўйича округ сайлов комиссиялари – сайлов комиссияси комиссия раиси, раис

ўринбосари, котиби ва **11-18 нафар комиссия аъзосидан иборат таркибда тузилиши кўрсатилмоқда.**

**Шунингдек,** сайловларда сиёсий партия ёки номзодларни қўллаб-қувватлаб имзо қўйишда фуқаролар паспорт билан бир қаторда **идентификация (ID) картаси орқали** ҳам шахсини тасдиқлаши мумкинлиги белгиланмоқда.

**Хулоса қилиб айтганда,** сайлов қонунчилигига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар миллий сайлов қонунчилигимизни умумэтироф этилган халқаро сайлов стандартлари асосида янада такомиллаштиришга ва мазкур йўналишда амалга оширилаётган демократик ислохотларни халқаро ҳам-жамиятга етказишга хизмат қилади.

### РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

## «БОШҚА ХУДУДДАН КЕЛГАНЛАРНИ КУЗАТИБ ЮРИШНИНГ ИМКони Йўқ»

Маҳалламиз туман марказида жойлашган, 4 минг 200 нафардан зиёд фуқаро истиқомат қилади. Аҳоли, асосан, хизмат кўрсатиш, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш соҳаларида банд. Худудимизда 300 дан зиёд корхона-ташкilotлар мавжуд. Шу боис ишсизлик масаласида муаммоларимиз йўқ.

**Муаммо нимада?** Шаҳар ҳудуди бўлгани боис «снос» билан боғлиқ масалаларимиз бор. Худуддаги икки қаватли ёғоч уйлар ўрнида замонавий тураржойлар, корхоналар ташкил этиш режалаштирилган. Бироқ айрим ҳолларда хонадон эгалари компенсация сифатида бериладиган суммага рози бўлмай, уй бузилишига йўл қўймайди. Ҳолатни имкон қадар қонун доирасида олиб боришга ҳаракат қил-япмиз.

**Яна бир масала** — ҳуқуқбузарликлар бўйича. Туман маркази, шунга кўра бозорга,

ишлашга, даволанишга, ё бошқа ташвишлар билан атрофдаги барча маҳаллалардан фуқаролар шу ерга келишади. Табиийки, айрим ҳолларда турли жанжаллар, ўғирликлар айнан улар ҳисобига содир бўлади. Бироқ жиноят бизнинг маҳалла ҳисобига ёзилмади. Ҳеч ким ўйлаб кўрмайдики, бошқа худуддан келган ҳар бир кишини кузатиб юришнинг имкони йўқ. Битта профилактика инспекторининг ўзи бунга уддалай олмайди. Шунинг учун жиноятчиликни ҳисобга олишнинг ана шу



**Гулчехра БОБОЖОНОВА,**  
Тахياتош туманидаги «Орайлик»  
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

тартибини ўзгартириш керак. Жиноятни содир этган фуқаро аниқ-ку, унинг қаердан келгани ҳам маълум. Демак, ҳисобга ўша худудни киритиш керак.

Профилактика инспектори бизга ўринбосар сифатида

бириктирилган. Бироқ улар бошқа вазирлик тизимида фаолият юритади. Шунинг учун уларнинг ҳам ўзларига яраша вазифалари, мажбуриятлари бор. Доим ҳам улар бизга маҳалла ишида кўмак бера олмаяпти. Аввалги тартибда посбон

лавозими бор эди, ҳозир унга чиндан ҳам эҳтиёж ортиб бормоқда.

**Шунингдек,** яна бизни қоғозбозлик, жадвал тўлдириш, баённомалар тузиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳам қийнаб қўймоқда. Кун бўйи уйма-уй юрамиз, кам таъминланганлар ҳолидан хабар оламиз, жанжаллашган оилаларни яраштираемиз. Мурожаатларни жойига бориб ўрганишга интиламиз. Барчасидан ортиб, идорага келсак, яна қоғоз тўлдиришга тўғри келади. Очиғи, буниси ошиб тушмоқда.



Тўрт-беш йил олдин бир жиноий гуруҳнинг Ўзбекистондан Қирғизистонга АҚШ долларларини қоплаб ўтказиш учун ерости йўли қазигани фош этилганди. Бу мамлакат иқтисодиётига қанчалик катта зарар келтиришини айтишга ҳожат йўқ.

# ВАЛЮТА БОЙЛИКЛАРИМИЗ

## ЧЕТГА ОҚИБ ЧИҚИШИ ҚАЧОН ТЎХТАЙДИ?

Узоқ давр валютани эркин конвертация қилишга рухсат берилмагани давлатга эмас, коррупцион схема эгаларининг бойшига хизмат қилгани сир эмас. Буни давлатга, халққа хиёнат, десак тўғрироқ бўлади. Ҳозирги кунда валюталарнинг эркин муомаласи йўлга қўйилган, лекин ҳали ҳам шунинг орқасидан

даромад топадиганлар йўқолмаган.

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамиятига қарашли «Ўзбекистон» локомотив депосининг 2 нафар машинисти «Чуқурсой-Сарағоч» йўналишида ўзлари бошқариб кетаётган юк поезди электровозининг хуфиёна жойларида **971 минг 50 АҚШ** доллари, 47 минг 720 евро, 3 млн. 424 минг 500 Россия руб-

ли микдоридаги пул маблағларини яширган ҳолда Қозоғистонга олиб ўтмоқчи бўлганларида қўлга олингани фикримиз тасдиғидир. Қайта текширув пайтида машинист ўриндиғи остига яшириб қўйилган қўшимча **1 минг 50 АҚШ** доллари ҳам аниқланган. Маълум бўлишича, хорижий валюталарни қўшни давлатга ноқонуний ўтказиб бериш эвазига машинистлар **300 АҚШ** доллари олишган.

Демак, мамлакатимиздаги валюта бойликларининг эгри йўллар билан четга оқиб чиқиши давом этмоқда. Худо биланди, ушлаб қолинган долларлар уларнинг ўндан биримикан. Нима бўлса ҳам, юздан бири бўлмасинда. Хуллас, мамлакат

иқтисодиётини талашнинг бу усули ҳам баравж.

Умуман олганда, ноқонуний валюта савдоси ҳалиям қизияпти. Буни кўча-кўйларда кўриш мумкин. Бозорлар атрофида валютафурушларнинг олибсатарлик қилиб ўтирганига ҳаммиша гувоҳ бўламиз. Ваҳоланки, банкларда қонуний валюта олди-сотдиси йўлга қўйилгач, «қорабозор» ўлади, деб ўйлагандик. Аммо ундай бўлмади.

Тўғри, кўчадаги валютафурушларнинг иши катта ўғриларники олдида арзимаган бўлиб кўриниши мумкин. Лекин «... томчи-томчи йиғилиб, дарё бўлур» деганларидек, валюта савдосининг сезиларли қисми банклардан ташқари-



да амалга оширилишига олиб келяпти. Бу айнан катта ўғриларга қўл келиши ҳам мумкин.

Нимага шундай? Сабаби, банкларда эркин валюта алмаштириш имкони бўлгани билан дам олиш вақтларда бу иложсиз ҳолатга айланади. Шу боис банкоматлар орқали ҳам бу амалиётни кенгайтириш

мақсадга мувофиқдир.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимиз валюта бойликларини ҳимоя қилишнинг изчил тизимини жорий этиш лозим. Бу тизим ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий чора-тадбирларни ўз ичига олиши ва улар бир-бирини тўлдирган ҳолатда аниқ ишлаши керак.

**Тўлқин ШЕРНАЕВ.**



### ТАЪЛИМ

## МАКТАБЛАРДАГИ ЎРИНЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР СОНИ МУВОФИҚЛАШАДИМИ?

Чорак аср давомида мактаблар масаласига деярли эътибор қаратилмагани натижасида ўттиз йил олдин улардаги ўринлар сони ўқувчилар сонидан кўп бўлгани ҳолда, бугун тескари ҳолатни кузатяпмиз.



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ҳукумат соатида **Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов Ўзбекистон мактабларида ўринлар сони ўқувчилар сонидан 1 миллионга камлиги, 2025 йилгача бу фарқ 2 миллионга чиқиши мумкинлигини таъкидла-**

**ди. Ҳозирги кунда мактабларнинг 70 фоизиди ўқиш 2 сменада ташкил этилгани сабаби ҳам шунда экан.**

3 мингдан ошиқ мактабнинг таъмиртаблагини кўз олдимизга келтирайлик. Бу муаммоларни ҳал қилиш учун тахминан **36,7 трлн.** сўм маблағ талаб этилади.

Лекин ХТВ инвестиция дастурида бир йилда **2 трлн.** сўм атрофида маблағ бўлади.

Кўринадикки, муаммонинг ечими амалда йўналтирилаётганидан қарийб 20 баравар кўп маблағга бориб тақалади. Демак, вазият бирмунча мураккаб.

Эътибор қилсак, ўтган даврда тураржойлар қурилиши аҳволи ҳам шундай эди. Бугун ҳамма жойда уйлар қурилишига кўзингиз тушади. Аммо мактаблар қурилиши масаласида вазият деярли ўша-ўша. Чунки даромад келтирмайди-да. Лекин, бошдан дўппини олиб ўйлаб қарасак,

тараққиётнинг пойдевори мактабга бориб тақалади.

Тўғри, сармоядор, бизнесменлар моддий фойдани кўзлаган одамлар, уларга бу гаплар унчалик ҳам қимматга эга бўлмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан давлатнинг ўзи мактаблар қурилишига йўналтирилаётган маблағлар ҳажмини ошириши керак бўлади. Балки бу маблағлар ҳам қанчадир қисмини қоплаши мумкин-у, тўлиқ молиялаш имконини бермас.

Бунга қўшимча равишда хусусий мактаблар очилишини рағбатлантириш зарур, деб ўйлаймиз.

Айни кунда ушбу фаолиятга рухсат берилган. Майли, ўзига тўқ оилалар фарзандларини юқори даражадаги талабларга жавоб берувчи хусусий таълим муассасаларида ўқитишсин. Фақат бу нарса жамиятда «сендан нима кам» қабилдаги мусобақага айланиб кетмаслигини таъминлаш шарт. Бунинг учун давлат мактабларида таълим бериш сифати яхшиланишига эришиш зарур.

**Наргиза СУЛТОНҚУЛОВА,**  
**Бойсун тумани**  
**36-умумтаълим**  
**мактаби**  
**ўқитувчиси.**

Тошкент шаҳар ҳокимлиги февраль ойида «Халқ назорати» хизматини ишга туширди. Ушбу хизмат фуқароларнинг маиший муаммолари ва шаҳарнинг инфратузилмавий камчиликларини ҳал қилишга қаратилган.

# «ХАЛҚ НАЗОРАТИ»

## ҲАҚИҚАТДА КЎМАКЧИ БЎЛА ОЛАДИМИ?

Унинг ёрдами билан тошкентликлар йўлларнинг ҳолатидан шикоят қилишлари, бузилган лифт ёки ишламайдиган светофор ҳақида маълум қилишлари мумкин. Мисол учун, апрель ойи охирида платформага 1363 та сўров келиб тушган бўлиб, улардан 352 таси ижобий ҳал қилинган.

### Муаммо нимада?

Ҳар бир шикоят Тошкентнинг интерактив харитасида қайд этилади, бу тизимдаги муаммоларни аниқлашга ёрдам беради. Муаммони ҳал қилиш учун ижрочиға 10 кун вақт берилади. Аниқ сабаблар билан уни узайтириш ҳам мумкин, албатта. Ҳозир бу борада аниқ муддат белгилаш устида ишланяпти. Бироқ, масалан, светофорни таъмирлаш вақт, йўллардаги чуқурлар-



ни ямаш эса маблағ талаб қилади. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, муаммолар тўғрисида маълум идорага юборилган бўлишига қарамай, иш барибир бажарилмайди. Чунки баъзи идоралар ҳали тизимга тўлиқ ўрганмаган, баъзилари ходимларнинг етишмаслиги сабабли муаммоларни ҳал қилишга улгурмайди, қаердадир эса масъулиятсизлик

халақит беради.

### Қайси соҳаларга жавобгар эмас?

Агар фуқаро маълум бир кам таъминланган оилага ижтимоий тураржой ажратиш кераклигини сўраб мурожаат қилса, бу мурожаат «Халқ назорати» платформасида кўрилмайди. Бу унинг вазифасига кирмайди.

**Муаммо ҳал этиладими?** «Халқ назорати» хизмати ишга

тушгунга қадар аҳолининг муаммолари қоғоз журналларга қайд этилган. Сўнгра улар «сув йўқ», «газ йўқ», «йўллардаги чуқурлар» ва бошқалар каби тоифаларга бўлинган. Улар қўлда «Excel» дастурига киритиб борилган. Шундан сўнг, ҳужжат масъул идораларга юборилган. Ҳар бир шаҳар идораси ўз дафтарларини юритган. Улар ҳам худди

юқорида айтилгани каби дафтарга ёзилган муаммоларни қайта «Excel»га киритишган. Натижада ҳамманинг ўз дафтари ва ҳужжатлари бўлган. Муаммоларни қайд этиш, уларнинг ҳал қилинган-қилинмаганини аниқлаш жуда қийин эди. Бутун жараён жуда узок — баъзан бир неча ой давом этган.

«Халқ назорати»да ҳамма нарса осон: ягона маълумотлар базаси, ҳар бир идора учун шахсий кабинетлар, муаммолар онлайн тарзда узатилади, уларни бирикки марта тугмани босиш орқали кўриш ва ечилганини белгилаш мумкин. Платформа ўзи муаммоларни саралайди ва керакли идоранинг шахсий кабинетига йўналтиради. Идоралар муаммони унутишидан сақлаб

турувчи таймерлар мавжуд. Ва энг муҳими, шикоят муаллифи ўзи тасдиқламагунча, муаммони ҳал қилинган, деб белгилашнинг имкони йўқ. Агарда бундай платформа-лар бошқа ҳудудларда ҳам ишга туширилса, одамлар ўз муаммоларига ечим топиши тезлашиши мумкин.

**Яна бир гап.** Бугун аҳоли мурожаатлари билан шуғулланадиган тизимлар сони кўп. Халқ қабулхоналари, Президент Виртуал қабулхонаси, Бош вазир қабулхонаси, турли ташкилотларнинг қабулхоналари ва ҳақозо. Шундай ҳолатда мазкур тизим қандай самара беради? Кўзмўямачилик, кампаниябозлик бўлиб қолмайдими? Буни эса вақт кўрсатади. Демак, мавзуга яна қайтамиз.

**Нилуфар ЮНУСОВА.**

### РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

## ИЧИМЛИК СУВИ КЕЛТИРИЛИБ, КЎЧАЛАРИМИЗ НУРАФШОН БЎЛМОҚДА

Маҳалламизда янгиликлар, ўзгаришлар кўп. 2018 йил 5 та кўчамизга, айти пайтда яна битта – Файзобод кўчамизга ичимлик сув қувурлари тортилди.



Ички йўлларимиз таъмирланяпти. Шағал тўкилган, энди асфальтланса бўлди. Утган йили 400 метр электр устунлари янгисига алмаштирилиб, битта трансформатор янгиланган эди. Яна битта трансформатор алмаштирилса, куз-қиш мавсумида электр таъминотида муаммо бўлмайди. Кўча чироқлари ҳам босқичма-босқич ўрнатиб бориляпти.

Эски қишлоқ врачлик пункти биносини балансимизга ўтказиб беришди. Энди тадбиркор топсак, хусусий шерикчилик асосида қайта таъмирлаб оламиз. Қувонарлиси, ислохот натижалари кўзга ташланяпти.

**Аропатхон МАХАММАТОВА,**  
Марҳамат туманидаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

### БИЛАСИЗМИ?

## ЭНДИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ҲАМ ТАКСИЧИЛИК ҚИЛИШИ МУМКИН

Президентимиз автомобиль транспортида йўловчилар ташиш фаолиятини тартибга солиш бўйича қарорни имзолади.

Ҳужжатга қўра, 2022 йил 31 декабрда мuddатга эксперимент тариқасида яқка тартибдаги тадбиркорларга 4 та ўриндиқли энгил автотранспортда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда ҳайдовчи 21 ёшга тўлган ва бошқарувида 10 йилдан ортиқ бўлмаган мuddатда эксплуатация қилинаётган энгил автомобиль бўлиши, техник хизмат кўрсатиш станцияларида ҳар 6 ойда камида бир маротаба техник кўриқдан ўтиши, хусусий клиникаларда ёки оилавий поликлиникаларда **ойлик тиббий кўриқдан** ўтиши лозим.

Яқка тартибдаги тадбиркорларга такси фаолияти билан шуғулланиш учун бошланғич тўлов 5 баробарга камайтирилиб



690 минг сўмни, ойлик тўлов 1,5 баробарга камайиб 425 минг сўмни ташкил қилади. 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб яқка тартибдаги тадбиркор сифатида такси фаолияти билан шуғулланиш фақатгина мижозларни излаш бўйича интерактив хизмат кўрсатувчи компаниялар (**агрегаторлар**) хизмати орқали амалга оширилади.

Шунингдек, 2023 йил 1 январга қадар такси сифатида фойдаланиладиган автотранспорт воситаларининг ранги («фил суюғи» ва сариқ ранглар) ҳамда махсус давлат рақамига («ТТ» серияли) қўйилган талаблар тўхтатилмоқда.

# НАМАНГАНДАГИ ТЕНДЕРДАГИ ТАНИШ-БИЛИШЧИЛИК ТАСОДИФМИ?

Наманганда давлат харидлари бўйича бўлаётган танловларни кузатиб, «Бомба» фильмидаги раис бува кишлоғимизда ғалати ишлар бўляпти, ибораси ёдга тушади.

**Сал аввалроқ,** вилоят тендер комиссияси баённомасида фамилияси бир хил амалдорлар аниқлангани тўғрисида хабар тарқалган. **Бири** Наманган вилояти ҳокимининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича ёрдамчиси лавозимида ишлаб келган Бекзод Матмусаев, **иккинчиси эса** Наманган вилояти ҳокимлигининг «Ягона буюртмачи» инжиниринг компанияси директори Дилшод Матмусаев эди.

**Ўрганишлар натижасига кўра,**

улар яқин қариндош, яъни ака-укалиги аниқланган. Давлетов.уз ёзишича, улар амалдаги вилоят ҳокими Шавкат Абдураззоқовга ҳам қариндош бўлиши мумкин. Бекзод Матмусаев Давлат активларини бошқариш агентлиги директори Акмал Ортиқовнинг 2021 йил 19 январдаги буйруғи билан агентликнинг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи этиб тайинланган.

**Шу кунларда эса,** Учқўрғондаги танлов тафсилоти кўпларни ҳайратга солмоқда. Яъни туман ҳокимлиги ҳозирда нураб бораётган Норин дарёси дамбасини



тиклаш ва келгусида нурашининг олдини олиш мақсадида дарё чап қирғоғининг 252 метр қисмини шағал билан мустаҳкамлашга қарор қилади. Бу бўйича танлов эълони давлат харидлари порталига жойлаштирилади. Нархи **259 млн.** сўмлик танловда қатнашиш учун «Mirzohidmirzo

Mirzabahrom Mirzamurod» МЧЖ, «Mirzoxidmirzo Urkinmirzo Mirzabaxrom» МЧЖ, «Sherzod Begzod Nilufar» МЧЖ ўз таклифларини билдиради. Комиссия қарори билан «Mirzohidmirzo Mirzabahrom Mirzamurod» МЧЖ ғолиб деб топилди.

**Бир қарашда**

**ҳаммаси табиийдек тасаввур туғилади.**

Аммо танловда қатнашган барча корхоналар ўзаро аффилиланган, масалан, Каримов Мирзарахим Журамирзаевич мазкур МЧЖлар улушининг тўлиқ ва камида ярмига эгалик қилади. Бу дегани **259 млн.** сўмлик давлат буюртмаси бўйича тендер бир шахсга қарашли корхоналар ўртасида ўйналган.

**Савол туғилади:** Намангандаги бу таниш-билишчилик тасодифми ёки чиндан ҳам вилоятда ўзаро бўлиб ол ва эгалик қил шиори амалга киритилдими?

**Мақсадбек ФАЙЗ.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

### МАҲАЛЛАГА «КЛУБ»ЛАР КЕРАК

Маҳалламиз намунали ҳудудлардан бири ҳисобланади. Бу ерда 541 та хонадонда 3 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Кўпчилик тадбиркорлик билан шуғулланади. Бу савдо-сотик, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, новвойлик, ҳунармандликнинг турли шаклларида намоён бўлмоқда.

Дехқончилик, иссиқхоначилик ҳам аста-секин ривож топяпти. Кредит олиб, лимончиликни бошлаш тараддудидаги фуқароларимиз ҳам бор.

Оилавий ажралишлар, жиноятчилик кузатилмайдди. Келишмовчиликларни мурсою мадора, тушунтириш йўли билан ҳал этяпмиз. Масалан, ўтган йили карантин пайтида бир ёш келинчак оилавий шароитга кўникмай, ажралиш пайига тушиб қолганди. Куёв — қурувчи уста. Ўша вақтда ишлар тўхтаб, пул топмай қўйган. Оқибат арзимаган нарсалардан жанжал келиб чиқаверган. Бир неча марта бориб тушунтирсак ҳам жанжал тинай демади. Охири келин

ота-онасиникига кетиб қолди. Кейин куёвни пул тўланадиган жамоат ишларига жалб қилдик. Қўлида хунари бор йигит яхшигина пул ишлаб олди. Қайнотасиникига совға-салом билан бориб, хотини ва болаларини қайтариб келди. Ҳозир тинч-тотув яшашяпти. Шукрки, аҳолимизнинг асосий қисми зиёли, тушунган одамлар. Тўйларда ҳам олди-бердини ўзаро келишиб қилишади.

**Таклифим:** маҳаллаларга кўшимча штат кераклиги аниқ. Бусиз жуда қийналяпмиз. Хужжатларни юритиш, жадваллар тузиб ўтириш жуда кўп вақтни олади. Натижада одамлар билан иш-

лашга вақт етмай қолади. Яна бир таклифим: тарбия билан боғлиқ. Маҳаллаларда худди чет элларникидек «клублар» очиш керак. Масалан, «Аёллар клуби», «Ёшлар клуби», «Ижодкорлар клуби» ва бошқа. Шу масалага катта эҳтиёж бор. Бизнинг ҳудудда «Шахматчилар клуби»ни ташкиллаштириш мумкин. Кўпчилик туман марказидаги тўғаракларга қатнашга эринади. Шунда одамларнинг бўш вақтини самарали ташкиллаштириш имкони топилган бўларди.

**Сурхонберди АБДУЛЛАЕВ,**  
**Кўшкўпир туманидаги «Амирқум» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

### «Калла поча» пишириб қабр бошида ейиш мумкинми?

**– Биздаги баъзи одамлар майит қабрга кўйилгач, эртаси кун марҳум хонадонда калла поча пиширишади. Ва уни мазорга олиб бориб, қабр бошида ейишади. Бу каби одатлар динимизда тўғрими?**

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Бу амал шариятимизда йўқ. Балки бидъат-хурофотлардан саналади. Динимизда йўқ бўлган бундай одатлардан сақланиш лозим. Чунки қайси бир жамиятда бидъат-хурофотлар кўпайса, ўша жойда суннат ишлар камаяди, турли ихтилофлар эшиклари очилади, соф Ислому таълимотларидан оғишиш пайдо бўлади. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларида: «Ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган нарсани янги тундан пайдо қилса, у рад қилинган», деганлар (Имом Бухорий ва Имом Муслим ривоят қилган).

Уламолар: «Бидъат аҳлининг зарари мусулмонлар учун кофир ёки ғайридин инсонларнинг зараридан катта бўлади», дейишган. Чунки ғайридинларнинг бузғунчилиги мусулмонларга фож бўлиб туради. Аммо бидъат аҳлининг бузғунчилигини ҳамма ҳам англаб ололмайдди. У ўзини ҳақ йўлда деб билади. Ўзгаларни унга эргашмаганликда айблайди. Бидъат учун савоб олишига қаттиқ ишонади. Уни кўрган инсонлар ҳам таъсирланиб, ҳар хил янги одатларга диний тус бера бошлайдилар.

Машҳур муҳаддис олим Абдуллоҳ ибн Муборак раҳимаҳуллоҳ ўз шогирдларига шундай насихат қилганлар: «**Илми маҳкам тут. Ҳар қандай бидъатчидан узоқлаш. Уларга умуман мойил бўлма. Улар ўзига эргашганларни миш-мишлар, қуруқ гаплар билан залолатга бошлашади.**» Биз ҳар қандай бидъатга барҳам беришимиз учун асл Исломининг моҳиятини нафақат ўрганишимиз, балки ўз фарзандларимизга ўргатишимиз керак. Валлоҳу аълам.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси Фатво ҳайъати**

# ҚИЗИЛ БАЙРОҚНИ ҚУМСАЁТГАНЛАР НИМАДАН УМИДВОР?

Олдинга парламентда давлат тили мақомига оид муҳим таклифларга қарши чиқилди, кейин эса пойтахт марказидаги майдонда қўйилган концерт чоғида собиқ СССР давлат байроғи баланд кўтарилди.

**Наҳотки,** ўттиз йил ўтиб ҳам тутқунлик даврини қўмсаш давом этмоқда. Нимаям деймиз, қуллик ҳисси айрим миллатдошларимизнинг суяк-суягига сингиб кетган экан-да.

Бу ҳолни кимлардир миллий мустақиллигимизни таҳқирлаш деб қабул қилиш ва қизил байроқ кўтарган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш керак, дея фикр билдиришмоқда.

**Албатта,** совет империяси даврида халқимиз, юртимиз истибдод чангалида бўлди, қарамлик, тобелик остида кун кечирдик ва мустамлака тузумининг тимсолларини улуғлаш ўша кунларнинг қайтишини ҳамда

суверенитетимиз беқор бўлишини иташ демакдир. Кимнинг қандай фикрлаши ўз ихтиёрида, лекин миллат, халқ манфаатига зарарли бўлган фикрларини кўчага ғоя сифатида олиб чиқиши оқибатсиз қолмаслиги керак.

**Савол туғилади:** нега ҳуқуқий идораларга бу масалани биз ўргатишимиз зарур, ҳар бир ҳолатга ҳуқуқий баҳо беришга уларнинг салоҳияти етмайди? Ёки мамлакат мустақиллиги, дахлсизлигини инкор этувчи тимсолларни тарғиб қилиш жиноят бўлмай қолганми?

**Кўриб турибмизки,** номларни ўзгартириш, халқни эски даврни эслатувчи

белгилардан узоқ тутиш етарли эмас экан. Ахир ўтган йилларда матбуотда берилган фахрийларнинг суратларида совет иттифоқи орден-медаллари кўриниб қолиши, «улуғ ватан уруши», «ғалаба», «номаълум аскар» сингари ибораларни қўллашдан ўзимизни четда тутдик. Лекин тил, маънавият, миллий ўзлик масалаларига юзаки ёндашдик. Натижада эса сирти янгича, ичи эса эскилигича қолган одамлар турли идораларда фаолият кўрсатиб келди. Самарасини эса кўриб турибмиз.

Пойтахтимиздаги «Ғалаба боғи» панжарасига **совет иттифоқи герби туширилгани ҳам**



**ўша шоввозларнинг «ижоди» бўлса керак.** Нима қилибди, бу тарих-ку, дейдиган фаросатсизлар ҳам бор. Бу каби тимсоллар ўша мажмуанинг ичида ва музейларда тарихни эслатиш маъносида акс этса, бунга ҳеч кимнинг қаршилиги йўқ. **Билиб қўяйликки,** мазлумлик давримиз тимсолини фахр билан намойиш қилиш манқуртликдан бошқа нарсамас.

**Энди асосий масала** — ушбу воқеалар

қайсидир кучлар томонидан уюштирилмаётимикан? Шубҳасиз, шундай ва бу табиий ҳол. Бундан ғазабланиш шарт эмас. Шунчаки, онг ва фикримиз билан курашга шай туришимиз, безътибор бўлмаслигимиз керак. Жамият аҳлига уларнинг ноғорасига ўйнаш кучли нафратга сазовор бўлишга олиб келишини англатиш лозим.

**Илғор ЗАМОНОВ,**  
блогер.

## ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

# ТИЛ КАДРИНИ БИЛМАГАННИНГ НА ҒУРУРИ, НА ОРИ БОР...

**Депутат Алишер Қодировнинг фикрига қўшиламан.** Тил ҳимоя қилиниши шарт. Бусиз бўлмайди. Акс ҳолда миллат таназулга юз тутади. Бу масалада ортиқча меҳрибончиликнинг кераги йўқ. Бугун мавзу турлича талқин қилинаётгани, ҳатто ўзбек тили ҳисобига бошқа тилларнинг ҳимоя қилинаётгани ачинарли ҳолат.

Бу худди уйга ўғри тушса, «ҳасми-ҳалолни ҳимоя қилайликми-йўқми», деб баҳслашиш билан баробар. Чунки ҳаммамиз биламиз, тилимизга ўғри тушган. Тилимиз талон-торож қилинапти. Сўзлар, бутун бир жумлалар йўқликка қараб сочиб юборилмоқда. Ўғри ушланиши, ҳайдаб юборилиши шарт. «Керакми, йўқми?», «бағрикенглик», «меҳрибонлик», деган баҳслар ва жумлалар фақат орсиз, ғурурсиз шахслардангина чиқади.

Катта шахарлардаги ёшлар билан гаплашинг, ёшлар нима бўлибди, кап-катта одамлар, мансабдорлар билан гаплашинг, катта шахарлар ҳам нима бўлибди, чекка кишлоқларга бориб

гаплашинг — одамлар гапига бошқа тилдан бирор сўз қўшмасдан, ҳатто сўкинолмайди. «Почкам операция бўлди», «врачга зовонит қилдим», «мостдан ўнгга поварот кейин», «Дружба народов» ва ҳоказоларни ҳар қадамда эшитамиз. Эътибор қилинг, сўзлашув тилида ўзбекча сўзлар аста-секин эмас, шиддат билан сиқиб чиқарилмоқда. Бу кетишда ҳозир касал «почкам операция бўлди» деётган бўлса, яна 20 йилдан сўнг «сделал операцию почек» дейиши тайин.

Хўш, нима қилиш керак? Аввало, тилни ҳимоя қиладиган қонунчилик базасини мустаҳкамлаш лозим. Қолгани кейин давом этади. «Миллий тикланиш»

партияси бу борада жиддий ташаббусларни илгари суряпти. Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва давлат муассасалари, уларнинг мансабдор шахсларига давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи таъминланиши, бошқа тилларда мурожаат қилинган тақдирда, мурожаат матнининг давлат тилига таржимаси илова қилиниши шартлиги таъкидланмоқда. Менимча, бу бошланишига энг тўғри йўл.

«Бизнинг таҳриримиз бўйича давлат ташкилотларига ҳамма ўз тилида мурожаат қилиши мумкин, яъни давлат тилида ва бошқа тилларда мурожаат қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Лекин шу мурожаатга унинг давлат тилидаги матни ҳам илова қилиниши шарт. Шунингдек, давлат органлари томонидан фуқароларнинг мурожаатларига фақатгина давлат тилида жавоб қайтарилиши керак, «мумкин қадар» деган жумлалар — бу ҳеч нарсани белгилаб бераётгани йўқ. Биз бу билан фақатгина мавҳум хусусиятларни пайдо қилиб қўйяпмиз», — дейди «Миллий тикланиш» партияси лидери Алишер Қодиров партия томонидан киритилаётган таклифга изоҳ бериб.

Муҳокамаларда ўзбек тилининг қадри ва нуфузини ошириш мақсадида берилаётган бу таклифга барча партия вакиллари ҳам бирдек

мойиллик билдирмаганини кўриш мумкин. Хусусан, депутат Шухрат Бафоев бу норма «Мурожаатлар тўғрисида»ги қонунга зидлиги важи билан таклифга қарши фикр билдирган. Хўп, шундай экан, «Мурожаатлар тўғрисида»ги қонунни ўзгартиришга нима тўсқинлик қиляпти? Ўз қонунимиз, ўзимиз ўзгартираверамизда. Менимча, бундай изоҳлар фақатгина вақтни чўзиш, масалани пайсалга солиш учун ўйлаб топилади. Ўзбек тилини ҳар қандай йўл билан бўлса-да, ҳимоя қилишни истамаётган ўзбекни эса нима деб аташни ҳам билмайсан киши. Айниқса, у депутат бўлса...

**Комрон ТУРҒУНОВ.**

Охирги кунларда сиёсий партияларнинг, партия депутатларининг бир-бирига «тош отаётгани» ҳолатлари кўпайиб бораётгандек. Худдики, шу билан рақибнинг обрўсини поймол қилишадю, ўзлариники бир калла ўсади.

# ИЖРО ҲОКИМИЯТИ ВАКИЛИ

## ДЕПУТАТ БЎЛМАСЛИГИ ЗАРУР

Тўғри, рақобат бўлиши керак ва фикримча, бу рақобат, танқид мазмунан соғлом, шахсиятга тегмайдиган ва ҳар жиҳатдан фойдали бўлиши лозим. Партия ғоялари ҳар хил, лекин халқ ва юрт манфаати, ривож, гуллаб-яшнашни кўзлаган нуқталарда, келажак тақдирига фойдали бўлиши аниқ бўлиб турганда, қўллаб-қувватлов, озроқ чекиниш, сохта ғурурлардан ҳоли бўлиш лозим.

**Шу ўринда** депутатлардан бугун одамлар розими, уларнинг фаолияти талабга жавоб берадими, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳокимнинг чизган чизигидан чиқа оляптими, деган саволлар ҳам туғилади. Саволни бундай қўядиган бўлсак, жавоби ҳам тайин: депутат қачонки сайловолди учрашувларида берилган ваъдаларни

бажарса, давр билан ҳамнафас қадам ташлаб, ҳудудлардаги муаммоларни ўрганиш билан чекланмай, уларнинг ечимини топишга интилса, уларга халқнинг ишончи ортиши тайин.

Кўпинча маҳаллий Кенгашлар депутатларини «ишламаяпти», «ёмон ишлаяпти» деб танқид қилишади. Лекин ўшаларнинг бирортаси ўзига у нега ишламаяпти, сабаби нимада, унга нима тўсиқ бўляпти, деган саволни бериб кўрмайди. Аминманки, депутатларнинг аксарияти билимли, виждонли, ориятли инсонлар. Мисол учун, халқ депутатлари Шайхонтоҳур тумани Кенгашига 24-«Хувайдо» сайлов округидан сайланган депутат Дилшод Исамитдиновни маҳалламиз аҳли «Ўзимизнинг депутат» деб атайди. Бу бежиз эмас. Д.Исамитдинов ўз депутатлик фао-

лиятини бошлаган илк кунларданок ёнма-ён жойлашган «Зафаробод» ва «Хувайдо» маҳаллалари муаммоларини ўзиники деб билди, маҳалладаги хонадонларнинг деярли ҳар бирига кириб чиқди. Бундай депутатлар эса кам эмас.

**Нега унда уларга танқидлар кўп ёғилади?** Очиғи, маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳудудларни ривожлантириш дастурлари ижроси каби масалаларни ўрганиб, камчиликларини аниқлаб, барта-раф этиш чораларини кўрсатиб, бажарилишини назорат қилишлари лозим бўлса-да, улардан фақат ўз сайлов округларидаги аҳвол сўралмоқда, холос. Масалан, ичимлик суви таъминотида муаммо бўлса, кўпроқ «Сувоқава» ташкилоти раҳбарига эмас, депутатга мурожаат қилинмоқда. Ва бу номуаносиблик одатий ҳолга айланиб, бирор-та раҳбарни ўйлантирмаяпти.

Ўз маҳалласида одамларнинг бирор муаммосини ҳал қилиб берган депутат «энг яхши депутат» ҳисобланмоқда. Бироқ ўша муаммо туманининг бошқа маҳаллаларида ҳам мавжудлиги, депутатлар



ўша муаммони туман бўйича ҳал қилишга кўмаклашишлари кераклиги, депутатлар шунинг учун сайланганининг қизиғи йўқ. Бунақада миллионлаб маблағ сарфлаб, сайлов ўтказгандан кўра, маҳалла раисларига туман, шаҳарлар депутатларининг ваколатини бериб қўйган маъқулроқ эмасми? Депутатларнинг ишламайдиган Кенгашидан кўра, маҳаллалар раисларидан иборат ишлайдиган Кенгаш бўлса, фойдаси кўпроқ тегарди. Ахир уларни ҳам халқ сайлайди-ку!

**Таклифларим:** агарда маҳаллий депутатлардан ўз вазифаларини бажаришлари талаб қилинадиган бўлса, депутатлар ва улар аъзо бўлган Кенгашлар фаолиятида баъзи ўзгаришлар қилиш, мавжуд камчиликларни тўлдириш лозим бўлади. Жумладан, **депутат қасамёди** жорий этилса,

айни муддао бўларди. Юқорида таъкидланганидек, аксарияти виждонли, ориятли инсонлар бўлган депутатлар қасамёдга ҳиёнат қилмайди. Кўпчилик ориятлиларнинг лоқайд депутатларни тартибга чақиришлари эса қасамёд ёрдам берган бўларди.

Шунингдек, **депутат этикаси, ахлоқ-одоб қоидалари** ишлаб чиқилса, унинг фаолияти оддий одамлар билан мунтазам мулоқот қилувчи депутатларга фойдаси тегиши муқаррар. Қолаверса, ҳар бир маҳаллий депутатнинг ўз сайлов округида алоҳида ўз жойи — **иш хонаси** бўлиши керак. Бундан ташқари, депутатга жамоатчилик асосида фаолият кўрсатувчи **ёрдамчи** олиш имконини бериш, буни қонун билан мустаҳкамлаш лозим. Асосий иш жойида кўпроқ банд бўлиши туфайли депутат баъзи

ишларини вақтида бажаролмай қолади. Ёрдамчи эса депутатга ҳужжатларни юритишда, депутатлик сўровларини эгаларига етказиш, натижасини суриштиришда ҳам кўмаклашади.

Энг муҳими жиҳат — депутатлар орасида **ташкilotлар раҳбарлари бўлмаслигига эришиш** зарур. Ижро ҳокимияти вакили депутат бўлар экан, у депутатдан ижобий натижа кутиб бўлмайди. Унинг биттагина айби — депутат бўлишга розилик бергани бўлади. У ўзидан юқори турувчи орган — ҳокимликнинг измидан ҳеч қачон чиқмайди. Ҳозиргидек номигагина тузилган, танқидий фикр билдирилмайдиган, барча қарорларни бир овоздан қабул қилаверадиган Кенгашлар учун, албатта, депутат қандай бўлишининг фарқи йўқ, сессияда қатнашиб, қўл кўтарса, бас.

**Ботирхон ИБРАГИМОВ,**  
**«Меҳнат фахрийси» кўкрак нишони соҳиби, Шайхонтоҳур туманидаги «Зафаробод» маҳалла фуқаролар йиғини «Нуроний» кенгаши раиси.**



### РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗГА ТАШАККУРНОМА ЮБОРДИК

**Бизнинг маҳалла деҳқончилик, ме-белчилик, косибчилик бўйича донг таратган. 1083 та хонадондан 600 тасида иссиқхона бор. Уларда асосан, помидор, бодринг, лимон етиштирилади.**

Ҳудудимиздаги янги 365 та намунали уйларда ҳам иссиқхона билан шуғулланувчи аҳоли кўпаймоқда. Айни пайтда 60 та хонадонда иссиқхона бор.

Косибчиларимиз турли хил оёқ кийимларнинг устки қисмини тайёрлашади. Уларнинг асосий буюртмачиси Қўқон ва Марғилон шаҳарларидаги оёқ кийим ишлаб чиқарувчи корхоналардир.

Мебелчи усталаримиз ҳам кўп. Катта харидори Марғилон шаҳри. Яқинда бир қизимиз кредит олиб, ўз хонадонидида аёллар сумкаси ишлаб чиқарадиган кичик цех ташкил этди. Натижада 10 та иш ўрни яратилди.

Маҳалламиз 2020 йил «Обод маҳалла» дастурига туширилгач, тубдан ўзгарди. 60-70 йилдан буён асфальтланмаган 16,5

км. ички кўчаларимиз асфальтланди. Иккита насос қўйилиб, оқова сув муаммоси ҳал этилди. Янги лотоклар қўйилди. Аҳолимиз ичимлик суви билан ҳам тўлиқ таъминланди. Амалга оширилган бундай ободонлаштириш-таъмирлаш ишларидан беҳад хурсанд бўлиб, Президентимизга ташаккурнома юбордик.

Яқинда маҳалламиз-



**Тоҳиржон СОЛИЕВ,**  
**Олтинкўл тумани «Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

да меҳнат ярмаркаси ўтказиб, 10-15 нафар аёлимиз текстиль корхонасига ишга жой-

лаштирилди. Тиббий кўрик ташкил этилиб, аҳоли тўлиқ кўриқдан ўтказилди.

Бирор-бир маҳсулот ёки кўрсатиладиган хизматнинг баҳоси ошса, ундириладиган жаримнинг миқдори кўпайса, тўғриси, кўпчилигимизнинг беихтиёр энсамиз қотади.

# ИШ ҲАҚИ:

## УНИНГ ОШИРИЛИШИ НИМАГА БОҒЛИҚ?

Бунга давлатни айбдор, деб ҳисоблаймиз. Унга қарата: «Баҳони оширди, тартибни ўзгартирди, жаримани кўпайтирди. Шунга мос равишда ойликни ҳам оширса, асакаси кетмасди», қабилдаги таъна тошларини ҳам отамиз...

Яқинда шундай бўлди: Давлат статистика қўмитаси йил давомида нархлар бўйича ўзгаришлар бўлиши ва улар ошиши мумкинлигини маълум қилди. Айни ҳолат кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Кўпчилигининг наздида нархлар, солиқлар оширилдими, ойликлар ҳам шунга мутаносиб равишда кўтарилди керак. Аслида, бу ҳам тўғри эътироз. Бироқ давлат ойликларни шунчаки ошириб қўя олмайди. Бунга ўзига хос омиллар таъсир кўрсатади.

Бу ўринда бир неча саволларга аниқлик қилиб олайлик. Бундай «эътироз»ни кимлар билдирипти? Энг аввало, давлат секторида ишлаётганлар ва бюджет ҳисобидан иш ҳақи олаётганлар. Хусусий секторда ишлаётганлар эса бу масалада – «талқон» ютганлар. Уларнинг дардлари ичида. «Бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари кам» тарзида эътироз билдирилаётганда, қуйидаги оддий саволларга жиддий эътибор бермоқ ва уларнинг аниқ жавобига эга бўлмоқ лозим:

— «**Бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошларни**

**ошириш нимага боғлиқ?»** Ойлик маошларни ошириш, энг аввало, шунга имкон берувчи маблағларнинг бюджетда бўлишига боғлиқ. Агар бундай маблағ бюджетда бўлмаса, юқоридаги эътирозлар хомхаёлликдан ўзга нарса эмас-ку! Бунинг устига, бюджет ҳисобидан ойлик маош олаётганларнинг ойлигини оширишда, энг аввало, бюджетни қўшимча даромадлар билан таъминлаш ҳам лозим. Бу эса, ўз навбатида, бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, солиқларнинг оширилиши талаб қилади. Бунга рози бўлаемизми?

— «**Бюджетдан олаётган маошимга арзигулик меҳнат қилганимни ўзи ёки йўқми?»** Бу жуда мунозарали савол. Унга жавоб излаб туриб, барча «позиция»ларда масалани ўз фойдамизга ҳал қилишга ҳаракат қилаемиз. Бундай пайтда ҳолислик охириги ўринга тушиб қолади. Қилаётган меҳнатимиз ҳақиқатдан ҳам самаралими? У нимага ўз ифодасини топяпти? Булар хусусида бир ўйлаб кўринг-чи, манзара қандай бўларкан? Қанча аччиқ бўлса ҳам айтай: кўп ҳолларда кўпчилигимизнинг бюджетдан олаётган маошимизга муносиб меҳнат қилмаётганимиз маълум бўлади. Бундай шароитда ойлик маошларини ошириш масаласини кун тартибига қўйиш ўринлими?

— «**Эътирозлар эътиборга олиниб,**



**бюджет ҳисобидан берилаётган ойлик маошлари асоссиз равишда оширилса, бунинг оқибати нималарга олиб келиши мумкин?»** Аксарият ҳолларда, бундай қарор қабул қилинишининг оқибатлари қуйидагилардан иборат бўлади: бюджет дефицитининг даражаси ортади, меҳнат мотивацияланишининг асосларига путур етади, ходимларда боқимандалик ва танбаллик кайфиятлари янада кучаяди, инфляциян жараёнлар ўткирлашади, пул ва товар массаси ўртасидаги номуноносиблик ортади ва ҳ.к.

— «**Маошларни оширишнинг асосида нимага ётиши керак?»** Бу саволнинг объектив, яқкаю-ягона қуйидаги жавоби мавжуд: шу соҳада фаолият кўрсатаётганлар меҳнатининг унумдорлиги. Бу ерда ҳам иш ҳақининг ўзгариши меҳнат унумдорлигининг ўзгаришига боғлиқ бўлиши керак. Шу муносабат билан мустақиллик йилларида мамлакатимизда бюджет соҳасида ишлаётганларнинг ойлик маошлари неча марта оширилди-ю, улар меҳнатининг унумдорлигида қандай ўзгаришлар содир бўлди, деган саволга бир жавоб изланг-чи, жавобингиз нималардан иборат бўлар экан?

— «**Одатда, кимларнинг ойлик маоши юқорироқ бўлиши керак: бюджет**

**соҳасида фаолият кўрсатаётганларники?»** Бошқа шароитлар тенг бўлган тақдирда, бюджет соҳасида фаолият кўрсатаётганларнинг ойлик маошларига нисбатан нодавлат секторида фаолият кўрсатаётганларники юқорироқ бўлиши тўғри ҳисобланади. Нима учун? Чунки давлат секторида (бюджет соҳасида) фаолият кўрсатаётганларнинг ойлик маошлари кафолатланган бўлиб, уларнинг рискка таъсирчанлиги паст даражада. Нодавлат секторидагиларники эса бунинг акси. Шу сабабли, баъзи ҳолларда профессор ёки академикнинг иш ҳақидан механизатор ёки шахтёрнинг иш ҳақи юқори бўлиб қолган бўлса, ажабланишга ҳеч ҳожат йўқ...

Тўғриси, мен ҳам сизга ўхшаган тирик жонман. Сиз каби ойлигимнинг ҳамма-ҳамма эҳтиёжларимни қондиришга тўлиқ етишини жуда истаيمان. Лекин юқоридаги реал ҳолатлар кўз ўнгимдан ўтганда, ҳар сафар «қочган»и жой тополмай қоламан ва шукур қиламан. Зеро, ҳақ қандай ишланганига қараб берилади (тўланади). Шунинг учун ҳам у «қурғур»нинг номи — иш ҳақи.

**Тоҳир МАЛИКОВ,**  
иқтисод фанлари доктори, профессор.

### РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

Маҳалламиз Самарқанд шаҳрига кириш жойда жойлашган бўлиб, тарихий қишлоқ ҳисобланади. Аҳоли, асосан, ҳунармандчилик ва туризм ҳисобига кун кечиради. 400 метр жойга туристлар учун айланган маскан қилинган. Шу ҳудуддаги хонадонлар туристлар учун ҳунармандчилик бўйича мастер-класс ўтказишади. Барча жиҳозлар ва либослар миллий услубда тайёрланган.

## МАҲАЛЛАГА ТИББИЙ ПУНКТ КЕРАК

Ҳудудимизда қадимдан Гилмаё кони бор. Унинг тупроғидан кулолчилик маҳсулотлари тайёрланиб, қадимдан бутун дунёга тарқатилган. Айниқса, Амир Темур ҳукмронлиги пайтида бу ҳунармандчиликка катта эътибор қаратилган. Ҳозир ҳам шу кулолларнинг авлодлари бу анъанани давом эттиришмоқда. Шунингдек, VII асрдан буён қоғоз ишлаб чиқарадиган ҳунармандларнинг авлодлари тут дарахтидан қоғоз тайёрлашади. Бу эса хорижликлар учун энг қимматбаҳо маҳсулот ҳисобланади.



**Муаммоларни ҳал этишга киришганмиз.** Иш бор жойда, албатта, муаммо ҳам бўлади. Бугун биринчи навбатда ишсиз аҳолининг бандлигини таъминлашга эътибор қаратганмиз. Яқин кунларда 150 ўринли корхона ишга туширилиши керак. Аҳолимизни энг қийнаётган масала, бу — тиббий хизматнинг йўқлиги. Поликлиника иккита маҳалла нарида бўлгани учун, айниқса, кекса ёшдагиларнинг қатнашига қийинчилик туғдирмоқда. Шу боис йиғинда тиббий пункт ташкил этиш бўйича мурожаат қилганмиз. Йил якунигача дастурга киритилиб, муаммо ҳал этилиши мумкинлиги ҳақидаги жавобни олдик.

**Маҳалла раисини нимага қийнайди?** Албатта, мурожаатлар кўп бўлади. Баъзан одамлар раисга келиб ҳолатини ёки муаммосини айтмасдан, бошқа ташкилотларга мурожаат қилишади. Ушбу мурожаатлар яна айланиб, ҳолатни батафсил ўрганиш учун маҳалла раисига келади. Бу эса бир қанча муаммоларни келтириб чиқаради.

**Каромат РАҲМАТОВА,**  
Самарқанд туманидаги «Кониул» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.



Агар сиз туғма ёки ҳаётингиз давомида орттирилган ногиронлик ҳолатига эга бўлсангиз, Ўзбекистонда автоматик равишда ногирон сифатида рўйхатдан ўтмайсиз.

# НОГИРОНЛИКНИ

## ИСБОТЛАШ УЧУН ҚАНЧА САРСОН БЎЛИШ КЕРАК?

Расман ногиронлик мақомига эга бўлишингиз учун Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари (ТМЭК) аъзоларига ногирон эканингизни тасдиқлаш мақсадида жуда мураккаб бюрократик жараёнлардан ўтиб, ҳужжатлар тўплашингиз зарур. Сизнинг танангиз фаолиятидаги чекловлар даражасига кўра, ТМЭК вақтинча ёки доимий тарзда сизни учта тоифадан (I, II ва III) ногиронлик гуруҳларидан бирига рўйхатга олади.

**Муаммо нимада?** Ногиронликни расмийлаштириш жараёни қийин ва камситувчи бир нарса. Одамлар жойлардаги ТМЭКга соғлиғидаги муаммо доимий ҳолат эканини ҳар доим исботлаб юриши керак. Масалан, бир қатор тиббий маълумотнома ва тиббий диагнозга эга бўлган одам ногирон эканини яна тасдиқлаш мақсадида касалхонада икки ой давомида ўз маблаглари эвазига даволаниши шарт. Яъни **ногиронликни белгилашда бемор, энг аввало, шифохонага ётиши керак, деган талаб мавжуд.**



Қолаверса, бундай фуқаролар техник реабилитация воситаларини бепул олиши учун ҳам кўп ҳолларда шифохонада даволаниб чиқиши ёки тиббий кўриқдан ўтиши лозим. Маълум вақтда даволаниб туриши лозим бўлган беморлар аксарият ҳолларда бепул ордерни ҳам вақтида ололмай қийналади. Бу ишга масъул бўлган туман тиббиёт бирлашмаларининг ходимлари эса ордер олишга ҳақли бўлган фуқарони овоза қилишга одатланишган. Умуман олганда, **бу тизимда адолат бироз четга сурилган, шаффофлик тўлиқ таъминланган, дея олмаймиз.**

**Нима таклиф қилинмоқда?** Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг

Шунингдек, бундай шахслар ТМЭКга белгиланган муддатидан олдин юборилади. **Бундай ҳолатларда ногиронлик белгилари мавжудлигини стационар шароитда исботлаш талаб қилинмайди.**

Янги тизим сама-



Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бошлиғи Умарали Назарматовнинг таъкидлашича, юқоридаги овозагарчиликларнинг олдини олиш мақсадида 2021 йил 1 июндан бошлаб, **белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари клиник-функционал текширувдан ўтказмасдан туриб, улар ногиронлиги бўлган шахс, деб топилганда, ногиронликни муддатсиз белгилаш амалиёти жорий этилади.**

**ра берадими?** Очиги, йиллар давомида ўзида кўриниб турган ногиронлик белгисини «исботлаш» учун овоза бўлганлар юқоридаги янгиликни яхши кутиб олишди. Бироқ, хўш, шу билан муаммо ҳал бўлармикан? Ногиронликни қайд этишда бундан бошқа муқобил вариантлар йўқми?

Айтиш керакки, аксарият хориж мамлакатларида ҳам ногиронликни белгилашда айнан ТМЭКга мурожаат қилинади. Бироқ уларда ҳужжатбозлик, югур-югурлар шундоқ ҳам ногирон

бўлган шахсни яна овоза қилишга қаратилмаган. Мисол учун, Германияда агар фуқаронинг қайсидир орган функциялари бузилганини тасдиқловчи тиббий ҳужжати бўлса, ТМЭКга йўллангани **пенсия органлари ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларидан** ҳам олиш мумкин.

Юртимизда эса ортиқча бошоғриқларининг кўплиги, кўплаб ҳужжатлар зарурлиги, муассасаларда ўринларнинг етишмаслиги, шунингдек, ногиронликни расмийлаштириш учун моддий имкониятнинг йўқлиги боис **кўплаб шахслар ногиронлик гуруҳисиз қолиб кетмоқда.** Бундай шахслар эса статистикага киритилмайди ва уларга ижтимоий кўмак кўрсатиши керак бўлган муассасалар эътиборидан четда қолади.

**Таклиф:** Бунга йўл қўймаслик учун ногиронликни шахсининг аризаси орқали эмас, балки аҳолини кенг миқёсда рўйхатга олиш жараёнидаги сўровларга махсус саволлар киритиш орқали **ногирон**

**шахслар рўйхати тузилишини йўлга қўйиш лозим.** Зеро, ногиронларни қўллаб-қувватлаш учун самарали ижтимоий сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун тегишли ногиронлик статистикасини тўплаш муҳимдир.

Шунингдек, ногиронликни рўйхатга олишнинг амалдаги тизими **фақат тиббий жиҳатларни инобатга олади ва уни жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор бузилишлар оқибатида юзага келган ҳаёт ёки меҳнат фаолияти чеклашларига тенглаштиради.** Хорижда эса кўпдан бери ногиронликни кенгроқ — **биопсихоижтимоий тушуниш амалиёти** қўллаб келинмоқда. Унга кўра, учта даража бор: **организм — инсон — жамият.** Яъни ногиронлик шу даражаларнинг бирида ёки бир нечасида юзага келиши мумкин. Бу тизимга ўтиш ногиронликни белгилаш ва уни ҳисобга олиш жараёнини ҳам сезиларли ўзгартиради.

Муродилла  
ПҮЛАТОВ.

### РАИС СЎЗ СҮРАЙДИ

## ОДАМЛАР БАНД БЎЛСА, ОРТИҚЧА НАРСАЛАРГА ВАҚТИ БЎЛМАЙДИ

Маҳалламиз ҳудудда 6 та қишлоқ бор. Бу йиллар давомида ҳудудимизда янги мактаб ва боғча қурдик. Қишлоқ врачлик пунктини қайтадан реконструкция қилдирдик.

Ҳар йили маҳалла идорасини ўзимиз енгилгина таъмирлаб қўямиз. Аҳоли деҳқончилик ва чорвачилик эвазига кун кечиради. Асосан картошка етиштирилади. Айни пайтда ҳамма далада меҳнат қилмоқда. Кўчада бекор юрган одамни учратиш қийин. Одамлар иш билан банд бўлса, ортиқча нарсаларга вақти бўлмайди. Худди шунинг учун бизда ажралишлар

мутлақо йўқ. Чунки далада меҳнат билан банд бўлган эр-хотинни жанжаллашишга вақти ҳам, хоҳиши ҳам бўлмайди.

**Муаммо бор.** Йўлимиз абгор ҳолатда. Дастурга киритилган, бу йил таъмирлаб беришларидан умид қилиб ўтирибмиз. Иккита трансформатор керак. Ҳозирда 70 та оилага ичимлик суви етиб бормаган. Улар сув ташиб кун кечиришяпти. Бунини ҳал қилишни



Эгамқул БОБОҚУЛОВ,  
Булунғур туманидаги «Деҳқонобод»  
маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

ўйлаяпмиз. 80 та газ баллони етишмайди. Ҳужжатларигача

тайёрлаб қўйганмиз. Бу масала ҳал этилиш арафасида.

**Таклиф:** Битта штат керак. Чунки раис ўзи фаррош, ўзи қаровул бўлишга мажбур. Хоналарни ҳам ўзимиз тозалаб чиқамиз. Ҳовлидаги экин-текин ҳам қараш керак. Энг ёмони, кечқурун идорадаги жиҳозларни ўғирлаб кетишмасмикан, деган хавотирда ўтириш. Ҳалиям кечгача ўтираемиз. Агар битта қоровулликками ёки фаррошликками штат ажратилса, яхши бўларди.

# КАНАЛИЗАЦИЯ ВА БОШҚА ТАРМОҚЛАР ҚАЧОНГАЧА ЯРАБ БЕРАДИ?

Куни кеча Президентимиз «Махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади. Зеро, бу масала иқтисодий зоналар муаммоларсиз ишлаши учун жуда зарур. Мазкур ҳудудларни йўллар, сув, газ, канализация, электр тармоқлари ва бошқалар билан таъминлаш керак.

Акс ҳолда заводлар тўхтаб, минглаб одамлар ишсиз қолиши мумкин. Аҳоли ёки бошқа ташкилотлар аввалдан фойдаланиб келган тармоқлар имкониятини кенгайтирмай ёки янгисини қурмай, тизимга улаш йирик аварияларга сабаб бўлиши эҳтимоли катта.

Аммо мазкур масала аҳоли тураржойларида қандай ҳал этиляпти? Бу ҳақда ҳали бирор ҳисобот ёки маълумотга кўзимиз тушмади. Бугун республикадаги деярли барча шаҳарлар, «посёлка»лар, ҳатто қишлоқлар йирик қурилиш мар-

казларига айланган. Биргина Тошкент шаҳрида 20 га яқин осмонўпар «сити»лар қуриляпти. Давлат томонидан бунёд этилаётган арзон уй-жойлар, банк кредитлари эвазига бошқа хусусий фирмалар томонидан қуриляётган тураржой бинолари, янги квартал ва даҳалар, янгидан-янги ташкилот, корхоналар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат, савдо ва кўнгилочар ишоотларнинг эса саноғи йўқ.

Худди шундай вазиятга барча вилоят марказларида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Ма-

салан, Фарғона шаҳри бугун улкан қурилиш майдонига айланган. Илгари паст-пастқам 50-60 хонадон яшайдиган бир қаватли уйлар ўрнида 300-500 тагача оилани жойлаштира оладиган мажмуалар қад ростлаган. Ўнлаб тўйхонаю, спорт объектлари, кўнгилочар иншоотлар, театр, кинотеатрлар, олий, ўрта, касбга тайёрловчи ўқув масканлари ва бошқалар фаолиятини бошлаб бўлди. Қурилишлар ҳали бери якунига етадиганга ўхшамайди.

Бу, албатта, жуда яхши. Зарур ишлар. Аҳоли мунтазам кўпайиб бормоқда. Фуқароларни тураржой ва иш билан таъминлаш керак. Бинолардан халқ, оддий фуқаролар фойдаланади. Яшайди, ишлайди, таълим олади, ҳордиқ чиқаради. Ҳеч ким уларни ҳеч қачон кўтариб кетмайди. Аммо масаланинг бошқа тарафи ҳам бор. Буларнинг бари ўша



собик шўролар тузumi давридан қолган канализация ва бошқа тармоқларга уланмоқда. Янгитдан қурилган сув таъминоти, иссиқлик тармоқлари тўғрисида жуда кам эшитяпмиз. Хўш, мазкур эски тармоқларнинг имконияти қачонгача етар экан? Бир кунмас, бир кун бу катта муаммоларни келтириб чиқармайдими?

Масалан, Тошкент шаҳрини олайлик. Тасаввур қилинг, мегополида авария туфайли бир кун канализация ишламай қолса нима бўлади? Ҳақиқий фожиа бўлади. Уч кун ичимлик суви бўлмаса нима бўлишини айтиш ҳам қийин. Электр, иссиқлик тармоғи тўғрисида

гапирмасак ҳам яхши. Биламизки, йирик мегополисларнинг остида яна бир ер ости «қувурлар шаҳри» бўлади. Юқорида айтилганларнинг бари ўша тармоқ орқали ўтади. Керак бўлганида тушиб таъмирланади, қўшимча қувур ва линиялар уланади. Аммо бизда бунинг имкони йўқ. Бу жуда қиммат ва эскидан қурилган жойларда ерни ковлаб бўлмайди. Аммо янги қуриляётган комплексларда буни йўлга қўйиш вақти келди. Аста-секин узоқ вақт мобайнида навбат билан қурилишлар, бузилишлар оқибатида шундай тизим яратса бўлади.

**Комрон ТУРҒУНОВ.**



## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

### ҚУВУРЛАР БОРУ, АММО СУВ ЙЎҚ...

Маҳалламизда 3 минг нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади. Тўғриси айтиш керак, муаммоларимиз кўп эмас. Ҳудудда газ, электр билан таъминлаш масалалари ижобий ҳал этилган. Мактаб, боғча, врачлик пункти ўтган йили таъмирдан чиқарилди. Йўллари-мизга шағал қоплама ётқизилди. Йиғинимиз 2022 йилги «Обод маҳалла» дастурига киритилган.



Оилавий ажралишлар 4 йилдан буён кузатилмайди. Жиноятчилик ҳам йўқ. Албатта, айрим келишмовчиликлар, қайнона-келин, эр-хотин ўртасида даҳанаки айтишувлар бўлиб туради. Бундай вазиятлар маҳалла фаоллари томонидан зудлик билан бартараф қилинмоқда.

Аҳоли, асосан, деҳқончилик, чорвачилик ортдан тирикчилик қилади. Иссиқхоналар кўпайиб борапти. Бу йил ҳам иссиқхона қуриш учун 10 нафардан ортиқ фуқаро кредит олишган. Ҳудудда тадбиркорлик даражаси юқори эмас, бозорда савдо-сотик, дўкончилик, маиший хизмат шохобчалари билан чекланилади. Шунга қарамай, меҳнат миграцияси бошқа жойларга

нисбатан анча кам. Ҳозирги кунда жами 80 нафар фуқаро Россия ва Қозоғистон, Жанубий Корея давлатларида ишлашяпти.

Муаммолар тўғрисида гапирганда, ичимлик суви масаласини айтмай илож йўқ. Маҳалламизга қувурлар ўтказилганига 3-4 йил бўлиб қолди. Аммо бу қувур ва жўмрақлар ҳали дуруст иш бергани йўқ. Сув келмайди. Бунга асосий сабаб — йирик сув қувурларининг қўшни Қизириқ тумани ҳудудидан ўтиб келишидир. Йўлда аҳоли пунктлари кўп. Биз охиригимиз. Шу пайтгача ичимлик сувини махсус сув ташийдиган машиналарда етказиб келдик. Битта шундай техника маҳалламиз учун ажратилган. Жорий йил ҳудудимизда мавжуд кичик сув омборчаси мослаштирилиб таъмирланяпти. Ўйлаймизки, шу ишлар якунига етгач, ичимлик сувига эҳтиёж ҳам қондирилади.

**Рустам ФАЙЗИЕВ,**  
Ангор туманидаги «Қорасув»  
маҳалла фуқаролар йиғини  
раиси.

## БИЛАСИЗМИ?

### ЭНДИ ПЕНСИЯНИ ҲИСОБЛАШ УЧУН ПАСПОРТ БЎЛСА БАС

Президентнинг тегишли қарорига кўра, 2022 йил 1 июлдан бошлаб давлат пенсияларини тайинлашда фуқаролардан меҳнат стажини, иш ҳақи, олийгоҳда ўқиганлиги ҳамда ҳарбий хизмат даври тўғрисидаги ҳужжатларни талаб қилиш бекор қилинади. Бундай маълумотлар Пенсия жамғармасининг дастурий таъминоти билан боғланган ҳолда «Ягона меҳнат миллий тизими» орқали электрон тарзда олинади.

Давлат пенсияларини тайинлаш учун фуқаролардан фақат паспорт ёки ID-карта талаб этилади. 2022 йил 1 январдан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни аҳолига етказиб бериш ҳар 3 йилда ҳудудларда алоҳида тендер асосида танланган тижорат банки ёки бошқа ихтисослашган ташкилот томонидан амалга оширилади.



Сўнги пайтларда ҳар қандай ҳолатга бефарқлик билан қарайдиганлар кўпайиб кетмоқда.

# АЁЛЛАРНИ ХЎРЛАШСА, ҚАЧОНГАЧА ЖИМ КУЗАТАМИЗ?


Қашқадарёда нота-ниш йигит битта қизни истаганича дўппосла-саю, атрофидаги шунча эркакдан ақалли бит-таси келиб ажратмаса ёки мурасага чақир-маса. Сурхондарёда укасининг хотинини уй талашиб калтаклаган эркакни эса нима деб аташ мумкин? Аёллар-нинг қадри шунчалик пастми? Албатта, аёл-дан ҳам нимадир ўтган-дир, қандайдир наф-сониятга тегадиган гап ҳам айтгандир, аммо бу дегани истаганича ожи-зани дўппослаш керак дегани эмас-ку?

**Муаммо нимада?**  
Бундай ҳолатларнинг

кўпаяётганининг асл моҳияти нимада? Эркак-лик ғурурининг йўқолиб кетаётганидами? Ёки аёл ўз номига муносиб йўл тутмаётганидами? Жамиятнинг қайси жи-ҳатида хатолик кетмоқ-даки, бемалол аёлни дўппослайдиганлар ва бундай ҳолатларни хо-тиржам четдан кузатиб турадиганлар ортиб бормоқда. Айбдор изла-ганда, биринчи навбат-да, тарбияни эслаймиз. Ёки бўлмаса, интернет орқали ҳар хил ёвуз-ликларни кўраётганлар-ни айблаймиз. Аслида ҳам шундаймикан?

**Нима қилиш ке-рак?** Аёл — ожиза.

Уни уриб, дўппослаб, нимагадир эришиш ҳам мумкиндир. Аммо ўша эркак ҳар қандай ҳолатда ўз онасини, сингисини ёки қизини ўша аёлнинг ўрнига бир сония бўлса-да, қўйиб кўрсин-чи? Барча иллат оилага келиб тақалади. Де-мак, биз оилада азалий қадриятларни фар-зандларимизга синг-диришимиз керак. Қўл кўтариш билан эмас, тўғри тушунтириш билан муомала қилиш кераклигини ўқтириш лозим. Ҳар қандай жазовага тушган ёки қушқондан чиққан аёлларнинг қисмати-



га, биринчи навбатда, эркаклар айбдорлигини ҳис этиши керак.

**Яна бир гап.** Айти пайтда юқоридаги ҳолатлар бўйича су-риштирув ишлари олиб борилмоқда. Тўғри, ҳар қандай ҳолатда ҳуқуқ-бузар ҳам, қонунбузар ҳам жазога тортилади.

Аслида, воқеаларнинг бундай кўпчиб кетиши-да ўша ердаги одамлар ҳам айбор эмасми? Бу усулдаги таҳқирланиш-лар, калтакланишлар ва тазйиқлар жамият-нинг энг оғриқли нуқта-си. Ёнимизда қайсидир ожиза калтакланяпти-ми, бунга бефарқлик

қилмаслигимиз, аксин-ча унга кўмак қўлини чўзишимиз — энг тўғри йўл. Ор, номус, уят, андиша каби фазилат-лар амалда бўлсагина, бундай хунук ҳолатлар бўлмасмиди.

**Нилуфар ЮНУСОВА.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

### «МАНАЛЛА» ГАЗЕТАСИНING ЎРНИ БИЛИНЯПТИ»

Маҳалламизда 8 мингдан ортиқ кўп миллатли фуқаролар исти-қомат қилишади. «Дом»чиликда барчани бирдек қамраб олиш, хабардор бўлиш жуда мушкул. Чунки мунтазам кўчиб келув-чилар ёки кў-чиб кетувчилар бўлади. Ижарада турадиганлар ҳам талайгина. Катта ҳудуднинг муаммолари ҳам, ташвишлари ҳам катта бўлади. Йилига 20 тагача оилани ярашти-ришга эришамиз. Бу айтишга осон.

Уларни мурасага келтиргунимизча баъ-зида ойлар, ҳаттоки йиллар керак бўлади. **Муаммолар етар-лича.** Уч йил давомида кўчамизни асфальт килдириш борасида мурожаат қилмаган жо-йим қолмади. Ниҳоят айти дамда асфальт-лаш ишлари бошланди. Болалар майдончаси, спорт майдончалари йўқлиги катта муаммо. Айниқса, ёзда болалар қаерда ўйнашини бил-майди. Ҳудуддаги мак-табнинг ҳам спорт май-дончаси талабга жавоб бермайди. Қолаверса, «гараж»лар бузиб ташлангандан кейин машиналарни қўйишга жой йўқлигидан уй-нинг йўлакларини ҳам автомобиллар эгаллаб олишяпти. Бу борада ҳам икки йилдан буён мурожаат қилияман. Алоҳида автотураргоҳ-га эҳтиёж катта. **Таклиф.** Йиғинимиз



**Гулжаҳон ҲАСАНОВА,**  
Учтепа туманидаги «Ширин» маҳалла  
фуқаролар йиғини раиси.

катта ҳудуд бўлгани учун иккига бўлинса, яъни иккита маҳалла қилинса, яхши бўлар-ди. Иш ҳажми катта. Улгуриб бўлмаяпти. **Яна бир гап.** Ма-ҳалланинг моддий базаси йўқлиги жуда катта муаммо. Ҳомий-лар томонидан ижти-мой ночор оилаларга қилинадиган ёрдамлар-нинг ўзи ҳам катта кўмак. Бу йил кишни совуқ идорада ишлаб ўтказдик. Боиси ком-мунал тўловларни ҳам тўлай олмадик. Газдан

икки йил ичида 5 мил-лион сўм қарзга кириб кетганимиз учун узиб кетишди. Келаси қиш-гача бир амаллаб тўлаб олармиз. Электр энер-гиясига ўз ҳисобимдан 500 минг сўм тўладим. Ҳар йили 2-3 та газе-тага обуна бўлардик. Бу йил обуна ҳам бўла олмадик. Айниқса, «Mahalla» газетаси-нинг ўрни билиняп-ти. Барчадан узилиб қолгандайман. Келгуси олти ойга, албатта, обуна бўлишни мақсад қилиб ўтирибман.

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

### ҚАРЗДОР ОДАМ ЗАКОТ БЕРИШИ МУМКИНМИ?

– Ҳозир зиммамда қарзим бор. Ҳар ойда қарзимни бўлиб-бўлиб тулайман. Рамазон ойида қилинган садақаларнинг ажри кўпайтириб бе-рилишини эшитиб, эҳсонлар қиляп-ман. Қилган эҳсонларим тўғрими ёки олдин қарзларимни тўлашим керак-ми? Закоат беришимчи?



– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Қарзи бор киши, биринчи навбатда, қарзини тўлаши керак. Аммо қарз беришига тўсқинлик қилмайдиган даражада эҳсон қилса ҳам бўлади. Бу ўзининг ихтиёридаги иши ҳисоб-ланади.

Қарздор кишининг қарзи қўлидаги молидан кўп бўлса, қўлидаги моли ўзиники бўлмай, ҳақдорларники саналади. Ундан закоат бермайди. Агар қўлидаги моли қарздан кўп бўлиб, фаразан қарзини чиқарган-дан кейин қолган мол нисобга етса, қолган молдан закоат беради. Валлоҳу аълам.

**Ўзбекистон мусулмонлари  
идораси  
Фатво Ҳайъати.**

# ТОШКЕНТГА ТРАМВАЙЛАР КЕРАКМИ?



Шу кунларда трамвайлар масаласи кенг муҳокама қилиняпти. Чунки Тошкентда охири марта мазкур транспортнинг ҳаракатланганига роппароса 5 йил тўлди. Шунча вақтдан буюн тошкентликлар ва пойтахт меҳмонлари трамвайдан фойдаланишмайди. Хўш, бу яхшими ёки ёмон?

Турли фикрлар янграмоқда. Бир гуруҳ фуқаролар трамвайларнинг олиб ташлангани хато иш бўлган, деб таъкид-ласа, бошқалар тўғри эканини айтяпти. Айримлар трамвай Тошкент тарихининг бир қисми сифатида баъзи йўналишларда сақлаб қолиниши кераклигини ҳам таъкидлайди. Зеро, бу

транспортни шаҳар кўчалари билан 115 йиллик хотиралар боғлаб турибди.

Шунингдек, трамвайларнинг Самарқандга кўчириб ўтиш ишлари ҳам якунига етмагани айтилмоқда. Самарқандда қурилиши режалаштирилган янги линиялар ҳали битмагани, вагонларни техник кўриқдан ўтказиш ва таъмирлаш учун шароитнинг йўқлиги ва уларнинг қаровсиз экани таъкидланмоқда. Тўғри, трамвай экологик тоза, шаҳар ҳавосини ифлослантормайдиган, шу билан бирга, арзон транспорт экани шубҳасиз. Аммо вагонларнинг жуда шовқинли ҳаракатланиши трамвай йўли яқинида жойлашган аҳоли учун ноқулайликлар туғдирадди.

«Қўйлиқ — ТТЗ» трамвай йўли яқинида истиқомат қилганман. — **дейди журналист Майна Ҳасанова.** — Ўша пайтлар трамвай иш вақти тугагунча боламни ухлатиш ҳам қийин бўларди. Шовқин, айниқса, қариялар учун малол келган. Шаҳар децибел даражасининг янада ошишига сабаб бўлган. Бу ўринда инсон ва табиатга зарар етказмайдиган, меъёрдаги шовқин даражаси бутун дунёда 45 ДБ.ни ташкил этишини ҳам айтиб ўтиш керак. Ундан ортиғи, ҳатто бинолар мустаҳкамлигига ҳам зарарли таъсир этади. Децибел даражаси 80 дан ўтса, ҳудуд шовқин билан ифлосланган ҳисобланади. Тўғри-

си, аниқ ўлчамини билмайман-ку, мен яшаган ҳудудда ўша пайтлар бу кўрсаткич 100 ДБ.дан ҳам ортган бўлса керак. Чунки соат тунги 23.00 гача уйда ухлаб дам олишнинг имкони йўқ эди. Ҳаракат тўхтаганидан сўнггина болаларни ётқизганмиз. Мавзедан айнан шу сабабга кўра кўчиб кетган эдик. Менимча, трамвайлар олиб ташланиб тўғри қилинди».

Бугунги кунда эса трамвайлар ўрни ер усти метроси эгалламоқда. Шовқин даражаси трамвайга нисбатан анча кам. Унда қариялар ва ногиронлар учун махсус лифтлар, совутгич каби бошқа кўплаб қулайликлар бор. Деярли шовқинсиз ҳаракатланувчи

вагонлар тоза-озодалиги билан ҳақиқатдан кайфиятингизни кўтаради.

Тўғри, қайсидир йўналишларда трамвайларни сақлаб қолиш, уларни ривожлантириб, рельслардаги шовқинни камайтиришнинг бир иложини қилиш керак эди, албатта. Чунки фарзандларимизга соатлаб трамвай ҳақида гапиргандан кўра, уларни бир маротаба айлантириб келиш кўпроқ таассурот берарди. Лекин на илож, замон техника, илм-фан даврида бир жойда турмайди. Бугун Тошкентдеги йирик метрополисларга шалдироқ арава ярашмаслиги аниқ.

Саида  
ИБОДИНОВА.

## ҲОЛАТ

# КОМИССИЯ ҚАРОРИ НЕГА БАЖАРИЛМАЯПТИ?

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикасида коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича республика махсус комиссияси кенгайтирилган йиғилишида жорий йил 1 майдан бошлаб, қатор чекловлар ўрнатилганди.

Жумладан, концерт-томоша тadbирларини ёпиқ масканларда ўтказиш, умумий овқатланиш муассасаларида ўриндиқлар 50 фоизгача чекланиб, 100 кишидан ошмаслиги, автобусларда ўриндиқларнинг 50 фоизгача чекланиб, автобуслар сони кўпайтирилиши белгиланган.

Аммо, амалда нега бу тартиблар бажарилмаяпти? Назаримда автобуслар ўриндиғи қисқариб, сони кўпаймади. Эрталаб ва кечги пайт йўналишлардаги тикилинчи кўриб, бизда карантин тугабди, деган хаёлга борасиз. Қўшимчасига йўловчиларнинг кўпчилиги ниқобсиз. Ачинарлиси, уларга на



ҳайдовчи, на паттачи эътироз билдирмаяпти.

Мисол учун, бугун ўзим 116-йўналишдаги автобусда ниқобсиз ҳамроҳлар билан келдим. Яна денг, автобус ўриндиқларидан ортиб, қанча йўловчи тик холда йўл юрди.

Карантин тартибларига амал қилинмаётганини ҳар қадамда кўриш мумкин. Ресторанда 200 киши меҳмондорчилик қилса

ҳам, ҳеч кимнинг иши бўлмапти. Бозорлардаги тирбандликни айтмай кўяверайлик.

**Мени яна бир савол қийнайди.** Нима учун ўриндиқлар сони автобусларда чекландию, метроларда бунга эътибор берилмади? Ёки бу жамоат транспорти вирусдан ҳимояланганми?

Хайрулло  
АБДУРАҲМОНОВ.

## БИЛАСИЗМИ?

Ҳайдовчидан уч турдаги ҳужжатни талаб қилиш бекор қилинади

Ҳукуматнинг 2021 йил 4 майда 271-сонли «Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида давлат хизматлари кўрсатиш тартиб-таомилларини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.



Унга кўра, 2022 йил 1 августдан ўқув гуруҳларини рўйхатга олиш, шунингдек, ҳайдовчиликка номзодлардан имтиҳонларни қабул қилиш учун ҳужжатларни ва миллий ҳайдовчилик гувоҳномасини расмийлаштириш учун барча тегишли ҳужжатлар фақат Ягона интерактив давлат хизматлари портали (ЯИДХП) орқали тақдим этилади.

2021 йил 1 сентябрдан ҳайдовчилардан автомобилотранспортни бошқариш учун ишончнома (нотариал тартибда тасдиқланган), техник кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисидаги маълумот, автотранспорт воситалари ойналарининг тусини ўзгартиришга (қорайтиришга) рухсатнома электрон шаклга ўтказиш орқали мазкур ҳужжатларни ҳайдовчидан талаб этиш тартиби бекор қилинади.

2021 йил 1 июлга қадар ДЙҲХХ органларида автоматлаштирилган электрон тизимларнинг ЯИДХПга интеграция қилинган ҳолда тўлиқ ишга туширилиши таъминланади.

# КУЧЛИ ТАЪСИР ЭТУВЧИ МОДДАЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ САВДОСИГА ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ?

Бир фармацевт ижарага жой олиб, дорихона очибди. Бундан қарангки, даромад шунчалик зўр бўлиб, бир ойда Чирчиқ шаҳридан уй олибди. Айтишлари-ча, асосий даромад кучли таъсир қилувчи турли психотроп моддалар савдоси экан. 5-6 та шундай харидор топса, шунинг ўзи етиб-ортаркан.



хона сотувчилари ҳам бор...

**Ўрганишлар** амалдаги қонунчиликда кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ қилмишларни малака-лашда бир қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда. **Жумладан**, бугунги кунда кучли таъсир қилувчи моддалар билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилганлик учун жавобгарлик

Бундай кучли таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний савдоси билан қўлга тушаётганлар ҳақида аксариятимиз телевидения орқали хабардоримиз. Бундай моддаларнинг асосий қисми кўчада ноқонуний пулланаётгани ҳам бор гап. Афсуски, улар орасида дори-

Жиноят кодексининг турли моддаларида назарда тутилган. **Масалан**, Жиноят кодекси 251<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисмида дори препаратлари ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни ўтказиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда тайёрлаганлик, қайта ишлаганлик, олганлик, сақлаганлик, ташиганлик ёхуд жўнатганлик, шунингдек, уларни қонунга ҳилоф равишда ўтказганлик учун жавобгарлик белгиланган.

Кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши жавобгарликни янада кучайтириш мақсадида «Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ко-

дексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда. **Хўш**, мазкур қонун лойиҳасида қандай янги нормалар акс этмоқда?

**Аввало**, қонун лойиҳаси билан Жиноят кодексига таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситаларининг ноқонуний муомаласи учун тўғридан-тўғри жиноий жавобгарлик белгиланмоқда. Қолаверса, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик учун дастлаб маъмурий, сўнгра жиноий жавобгарлик сақлаб қолинмоқда. Халқ ноиблари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш жараёнида унинг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини

асраш, кучли таъсир қилувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйишга хизмат қилишини инobatга олиб, уни концептуал жиҳатдан маъқуллашди.

**Негадир**, ҳуқуқ-тартибот идоралари шунча курашишса ҳам кучли таъсир қилувчи моддалар савдоларига батамом чек қўйилмаяпти. Ҳамон кўча-кўйда, пана-пастқам, автомашиналарда ноқонуний савдо қилаётганлар учрамоқда. **Назаримизда**, инсон саломатлигига жиддий хавф соладиган бундай моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш чораларини янада кучайтириб, жавобгарликни ошириш лозим. Йўқса, асосий харидори бўлган ёшлар тақдири аянчли тус олиши мумкин.

**Достон  
РУСТАМОВ.**

## ТАЪЛИМ

### «МАСОФАДАН ЎҚИШГА ЎТКАЗИЛСИН», ДЕБ ҚАРОР ЧИҚАРИШ ОСОН...

Кейинги пайтда коронавирус тарқалиши яна хавотирли тус олди, касаллик билан зарарланиш ҳолатлари кўпайди. Шу сабабли, жорий йил 18 апрелдан карантин қоидалари янада кучайтирилди. **Жумладан**, Махсус комиссия қарори билан боғча ва мактабларда касалланиш ҳолати аниқланган тақдирда уларнинг фаолияти зудлик билан тўхтатилиши ҳамда икки ҳафтага карантинга олиниши, бу вақт мобайнида улар онлайн тартибда фаолият юритиши белгилаб қўйилди.



#### Муаммо нимада?

Бироқ масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор. Дарсларни онлайн тартибда ўтказиш учун шароит яратилганми? Карантинга олинган мактаблар юқори тезликдаги интернет билан таъминланганми?..

Расмий манбаларда халқ таълими тизимидаги 9114 та (91 фоиз) умумтаълим мактаби юқори тезликдаги оптик толали интернет тармоғига улангани, 4715 та умумтаълим муассасаси ички локал тармоқ ускуналари, Wi-Fi қурилмалари билан таъминлангани қайд этилган. Бироқ жойлардаги ўрганишлар

реал ҳолат юқорида келтирилган рақамлардан анча узоқдалиги маълум бўлди. Мобиль интернет тезлиги ва нархи бўйича ҳам муаммолар оз эмас. Бу ҳақда жуда кўп

гапирилган, аммо кишлоқ жойларида муаммо муаммолигича қолиб кетмоқда. Энди ўйлаб кўрайлик, шундай шароитда онлайн тартибда дарс ўтиб бўладими?..

**Очиғини айтганда**, пандемия кўплаб камчиликларимиз, заиф томонларимизни рўй-рост кўрсатиб қўйди. Хулоса чиқаришга туртки берди. **Жумладан**, таълим тизими илк марта оммавий равишда онлайн тартибда ўтказилганда, мактаб ва олий ўқув юрларини ахборот коммуникациялари билан таъминлаш соҳасидаги ҳақиқий

аҳвол юзага чиқди.

#### Нима қилиш керак?

Бизнингча, мактаблар тўлиқ АКТ билан таъминланиши, жумладан, оптик толали интернет тармоғига уланишнинг ҳақиқий ҳолати ўрганилиши, камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳукумат доирасида чора-тадбирлар кўрилиши керак. Бундай кўламдаги ишни муайян бир вазирлик ёки маҳаллий ҳокимликлар кучи билан амалга ошириб бўлмайди.

«Масофадан ўқишга ўтказилсин», деб қарор чиқариш осон, айти пайтда масофадан ўқишга шароит яратиш ҳақида ҳукуматда аниқ режа бўлиши зарур. Интернет, ахборот замонида сифатли, арзон интернетсиз нафақат таълим тизимида, балки бошқа соҳаларда ҳам тараққиётга эришиб бўлмайди.

**Муродилла ПҮЛАТОВ.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

### МАҲАЛЛАМИЗ ОБОД, КўНГИЛЛАР ХОТИРЖАМ БўЛЯПТИ

Янгилеклар, ўзгаришлар катта. **Икки ойдирки**, маҳалламизда иш қизғин – «Обод маҳалла» дастури амалга ошириляпти.

Айни пайтда 41 та икки қаватли эски уйларимиз атрофидаги ноқонуний қўшимча бинолар олиб ташланиб, аҳолимиз учун қулай тандирхона ва бошқа зарур иморатлар тартиб билан қуриляпти. Уйларнинг фасад қисми ҳам таъмирланяпти. 8 та кўчамизнинг 5 таси текисланиб, шағал тўқилди. 200дан ошиқ эски симёғочлар ўрнига темир-бетон устунлар ўрнатилиб, янги трансформаторлар қўйилмоқда. Хонадонларга янги электр ҳисоблагичлар ўрнатилиб, ҳаво тармоқлари ҳам алмаштирилди. Оқова ва ичимлик сув қувурлари ҳам тортилмоқда. Хавфсизликни таъминлаш мақсадида 5 та кўчамизнинг кириш-чиқиш жойларига кузатув-камералари ўрнатилди.

Шу вақтга қадар маҳалла идорамиз йўқ эди. Мана, янги маҳалла идораси ҳам қуриб берилди. Тез кунда кўчиб ўтамиз. Қувонарлик, бу ерда кутубхона ҳам ташкил этиляпти.

Бир сўз билан айтганда, маҳалламиз обод, кўнгиллар хотиржам бўляпти.

**Абдусаттор ҒАЙБУЛЛАЕВ,**  
Оқолтин тумани А.Навоий номили маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

# СИФАТСИЗ ВА КОНТРАФАКТ МАҲСУЛОТЛАР САВДОСИГА ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ?

Орамизда шундай тадбиркорлар борки, ортиқча сарф-харажатсиз, қийинчиликларсиз тезда бойиб кетишни, маҳсулотлари ҳам харидоргир бўлишни истайди. Бундай «тадбиркор»лар ҳатто машҳур бренд номларни ҳам тап-тортмай ўзлаштириб, ўзининг маҳсулотига қўйиб ишлаб чиқараверади.

Аслида ҳар бир брендни яратиш бир машаққат, уни машҳур қилиш эса икки ҳисса машаққатлидир. **Хавотирлиси**, кейинги пайтларда бундай контрафакт маҳсулотлар сони кўпайгандан-кўпаймоқда.

Яқинда ана шундай маҳсулотларнинг навбатдагиси аниқланди – «Versal»

**товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида»**ги қонунга назар солсак, унда товар келиб чиққан ном маълум жўғрофий объектга хос табиий шароитлар билан боғлиқ бўлсагина, яъни айнан шу шаҳарда тайёрланган бўлса товарга шу жой номи берилиши мумкин. Қонуннинг **11-моддасига** биноан, товар келиб чиққан ҳақиқий жойни расман кўрсатувчи, лекин товар бошқа ҳудудда чиқарилаётганлиги ҳақида янглиш тасаввур берувчи белгилар рўйхатдан ўтказилмаслиги белгиланган.

Юқоридаги маҳсулот ҳам худди шундай, Франциянинг Версал шаҳри номи берилган. Бироқ маҳсулот юртимизда ишлаб чиқарилмоқда. Бу эса истеъмолчилар ҳамда ҳуқуқ эгаси ҳуқуқларини жиддий бузиш ҳисобланади.

**Демак**, мазкур ҳолатда «Versal» номи остида пишлоқ ишлаб чиқариш ноқонуний бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий кодексига асо-

сан, ўзганинг товар белгисидан, товар келиб чиққан жой номидан қонунга хилоф фойдаланиш жавобгарлик белгиланишига асос бўлади.

**Интеллектуал мулк агентлиги** бундай контрафакт маҳсулотларни аниқлаб, тегишли чоралар кўрмоқда. **Назаримизда**, чора кўришдан аввал бундай маҳсулотларнинг ишлаб чиқилиши ва сотилишининг олдини олиш керак. Жавобгарликни кучайтириш зарур. Йўқса, контрафакт маҳсулотлар сони ошиб бораверадими.

**Яна бир ҳолат.** «Ўзстандарт» агентлиги томонидан ҳам сифатсиз маҳсулотлар аниқлангани ҳақида кўплаб маълумотлар берилмоқда. Мана, яқинда агентлик ҳузуридаги Департамент томонидан республика ҳудудида сифатсиз маҳсулотларни реализация қилишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳридаги савдо мажмуаларида сотилаётган болалар



тагликлари (памперс) маҳсулотини сифати стандарт талабига асосан ўрганилди. Аккредитланган синов лабораториясида ўтказилган синовлар натижасида Туркия давлатида ишлаб чиқарилган «Paddlers» маҳсулоти амалдаги O'zDst 3482:2020 стандартининг 5.9.2-талаби, яъни «тескари ютилиш» кўрсаткичи бўйича мувофиқ эмаслиги аниқланди. Шу боис мазкур маҳсулот импортини чеклаш юзасидан Божхона қўмитасига маълумот киритилди.

Бу ҳаракатлар яхшику-я, лекин турли номдаги сифатсиз деб топилаётган импорт маҳсулотлар юрти-

мизга қандай йўллар билан кириб келяпти? Божхонадан ўтказилаётган маҳсулотларнинг сифатлилик даражаси текширилмайди? Юқоридаги каби назорат тадбирлар билан муаммага ечим топиб бўладими? Бундай сифатсиз, контрафакт маҳсулотлар аниқлангунга қадар қанчадан-қанча фуқароларимиз саломатлигига жиддий хавф туғдирмоқда.

**Назаримизда**, бундай сифатсиз импорт маҳсулотларни божхона постларида аниқлаб, тўхтатиб қолиш лозим. Йўқса, жабрини фақат халқ чекиб қолаверади.

**Достон  
РУСТАМОВ.**



**пишлоғи.** Бир қарашда ушбу маҳсулотни Версал шаҳри билан қандайдир боғлиқлик жиҳати бор, деб ўйлайсиз. Ҳақиқатда эса ҳеч қандай боғлиқлик жиҳати йўқ.

**«Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва**

## СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

# НАМОЗДА КЎРСАТКИЧ БАРМОҚНИ КЎТАРИШ МУМКИНМИ?

– Жамоат бўлиб намоз ўқиётганда бир нарсага гувоҳ бўламан. Баъзи одамлар бармоқларини, айнан кўрсаткич бармоғини кўтариб қўйишади. Бу одат бидъатми ёки суннат? Умуман олганда, нега бундай қилишади?

– Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳим. Бу амал – киши намозда ташаҳҳудни ўқиш учун ўтириб, «Лаа илааҳа иллаллооҳу» калимасини айтиш чоғида ўнг қўлнинг кўрсаткич бармоғини юқорига кўтариши бўлиб, уни «Ишораи саббоба» деб аталади. Кўрсаткич бармоқ араб тилида «саббоба» дейилади. Мазкур ишора ушбу бармоқ билан бажарилгани учун «ишораи саббоба» деб номланган. У аксар уламолар фикрига кўра, намоздаги суннат амаллар-

дан саналади.

Унинг кўриниши ўнг қўл бармоқларидан ўрта, жимжилоқ ва номсиз бармоқни букиб, бош бармоқнинг бошини ўрта бармоқнинг четига қўйилади ва кўрсаткич бармоқ билан ташаҳҳуддаги «Ла илааҳа» жумласини айтганда кўтариб, «Иллаллоҳ»-да туширилади. Яъни, «илоҳ йўқ» деган жумлаларни талаффуз қилиш асносида ишора қилиб, «Фақатгина ёлғиз Аллоҳ бор» жумласини талаффуз қилишда кўрсаткич

бармоқ тушурилган бўлади ва бу билан сўз билан феълни ўртаси бир-бирига мувофиқ бўлиши таъминланган ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бу амал билан Аллоҳнинг яккаю ягоналиги банда эътиқодида, сўзида, ҳаракатида жамлангани ифода этилади.

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадиси шарифда шундай дейилади: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам намозда (ташаҳҳудга) ўтирсалар ўнг кафтла-

рини ўнг сонларининг устига қўйиб, бармоқларини йиғар ва кўрсаткич бармоқлари билан ишора қилар эдилар» (Имом Муслим ривояти).

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ишораи саббоба масаласи ханафий мазҳабимиз уламолари ичида ихтилофли масаладир. Бир қанча уламолар бу ишора қилинмаслиги зикр қилинган. Бошқача бир қанча олимларимиз ишораи саббоба эркак ва аёлларга баробар намоздаги суннат амаллардан,

дейдилар.

Шундай экан, бу масаланинг ечимини, ҳар бир намозхон биринчи устози қандай ўргатган бўлса, шундай ўқисин. Намозни китобдан ўрганиб олган бўлса, ўзи яшайдиган жойнинг урфига қарасин. Бу ишни қилганлар қилмаганларни, қилмаганлар қилганларни маломат қилиб, жанжал ва ихтилоф келтириб чиқармасин. Валлоҳу аълам.

**Ўзбекистон мусулмонлари идораси  
Фатво Ҳайъати.**

# РЕКЛАМАЛАРНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Яқинда пойтахти-мизда ташқи реклама конструкцияларининг олиб ташланиши катта муҳокамаларга сабаб бўлди. Қарашлар, фикрлар турлича. Факт шуки, ҳар нарсанинг ҳам тартиб-қоидаси, меъёрлари бор.

**Минг афсуски,** бугунги ташқи реклама конструкцияларининг жойлашувидан тартиб, ундаги сўз ва расмлар қўлланилишида кўплаб хатоликлар бор. Қолаверса, бугунги кунда анъанавий, телевидение ва радио каналлар орқали узатилаётган рекламалардан фарқли равишда, интернет реклама, ташқи рақамли реклама ва бир қанча бошқа реклама турлари пайдо бўлди.

**Хавотирлиси,** берилаётган рекламалар одоб, қонун доирасидан чиқиб кетди, чек-чегараси кўринмай қолди. Реклама ишлаб чиқарувчида ҳам, уни тарқатувчида ҳам на андиша бор, на виждон. Фақат пул ишласа бўлгани...

«Реклама тўғрисида» қонун бор-ку дейсизми, у ҳам 1998 йилда қабул қилинган бўлиб, ундаги моддалар умумий тусга эга бўлган, ҳозирги барча реалликларни қамраб

олмаган. **Қолаверса,** кейинги йилларда реклама билан боғлиқ муносабатларда кўплаб янги шартнома-ҳуқуқий муносабатлар таркиб топди.

**Шунингдек,** реклама соҳасига замонавий ахборот коммуникация технологияларининг кенг жорий этилиши, мазкур соҳани янги босқичга олиб чиқишга туртки бўлмоқда. Шундай шароитда мавжуд қонунчилик ҳужжатларини замон талабларига мос равишда ишлаб чиқиш зарурати пайдо бўлмоқда.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш, соҳани янги босқичга олиб чиқиш мақсадида Қонунчилик палатаси депутатлари «Реклама тўғрисида» янги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишди. Унда реклама бозори иштирокчиларига кенг имкониятлар яратиш борасида муайян муносабатларни тартибга солиш, чекловчи

нормалар ҳам киритилмоқда.

Янги қонун лойиҳаси билан **мобиль алоқа тармоғи орқали реклама тарқатилишига фақат истеъмолчининг розилиги билан йўл қўйилиши, дори воситасини таниқли шахс, тиббиёт ходими ёки ташқи кўришни шифокорнинг ташқи қиёфасига ўхшаш шахс иштирокида реклама қилиш, шунингдек, алкоголь маҳсулотлари рекламаси тақиқланмоқда.** Таркибида **шакар, туз ва ёғ микдори юқори бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини реклама қилиши ҳам** тақиқлаш кўзда тутиляпти.

Халқ ноиблари қонун лойиҳасини такомиллаштиришда интернет ва ташқи реклама фаолиятини тартибга солинишига алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Чунки энг тез тарқалаётган



ҳамда тартибга солиш жиҳатидан энг мураккаби — **Интернет рекламаси ҳисобланади.** Шу боис депутатлар томонидан интернет рекламани тартибга солиш учун қонунчиликка интернет реклама тушунчасини киритиш, миллий қонунчиликнинг татбиқ этиладиган ҳудудини аниқлаш, Ўзбекистонда интернет рекламани жойлаштиришни тартибга солиш механизмини аниқлаб олиш таклифлари киритилди.

«Реклама тўғрисида» қонун лойиҳаси қабул қилиниши муносабати билан пайдо бўлиши кутилаётган қонуности ҳужжатларда, хусусан, рекламанинг жойи, ҳажми, ташқи реклама конструкцияларига бўлган талаблар белгиланадиган низом ва йўриқномалар ишлаб чиқилиши шарт. Бунинг учун соҳа мутахас-

ислари, экспертлик хулосалари инobatга олиниши зарур.

**Назаримизда,** шахсий гигиеник воситалар, дориларнинг рекламасини ҳам чеклаш зарур. **Негаки,** айрим рекламаларни оила даврасида кўриб бўлмай қолди. Реклама қилинаётган шундай дори воситалари ҳам борки, гўёки минг дардга даво. **Аслида** эса ҳеч қандай даволаш хусусиятига эга эмас. **Қолаверса,** тегишли идоралардан дори воситаси сифатида рўйхатдан ҳам ўтмаган.

Интернет рекламаси ҳам муаммоли масалалардан бири. Бу маконда тарқатилаётган рекламаларнинг ҳеч қандай чегараси қолмади. **Шу боис** бу борадаги рекламаларни ҳам қатъий назоратга олиш лозим.

**Мақсадбек Қўчқоров.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

### ПОЛИКЛИНИКАНИНГ 25 ТА ХОНАСИ БЎМ-БЎШ ТУРИБДИ

Маҳалламизда бекор одамнинг ўзи йўқ. Шу боисми, ишсизлик кўрсаткичи дейилганда, бизда ҳамма банд, деб айта олам. Оилавий тадбиркорлар талайгина. Жорий йилда иш фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлганларга кредит олиб беришда кўмаклашдик.

Ҳудудимизда мебель ишлаб чиқарадиган цех, эшик ишлаб чиқарадиган корхона ҳамда болалар оёқ кийими ишлаб чиқариладиган мини-фабрика фаолият олиб боради. Бу эса аҳоли бандлигини таъминлашда қўл келмоқда.

**Муаммомизни ёритсангиз, яхши бўларди.** Ҳудудимиздаги поликлиниканинг 25 та хонаси бўм-бўш турибди. Фойдаланилмайди. Ушбу поликлиникага стационар шифохона ташкил этилса, тўртта маҳалланинг 15 минг нафар аҳолиси учун айна муддао бўларди. Туғруқхона ҳам зарур, боиси аёлларимиз 22 км. узоқликдаги туғруқхонага боришга мажбур. Энг ачи-

нарлиси, ҳудудимиздаги малакали шифокорларнинг хорижга иш излаб кетаётганидир. Анча тажрибали ва маҳалламиздаги кўпчиликка ёрдами теккан уч нафар шифокор бугунги кунда хорижда ишлаяпти. Уларнинг оиласи эса шу ерда. Агар ўзимиздаги поликлиникада юқорида айтилган ишлар амалга ошса, қанчадан қанча тиббиёт ходимлари иш билан таъминланиши мумкин. Буни аҳолимиз анчадан бери кутмоқда. Бу ҳақда керакли мутасаддиларга мурожаат қилганмиз. Лекин ҳанузгача жавоб йўқ.

**Яна бир гап.** Ҳудудимизда катта магистраль йўли ўтган. Ушбу кўча



**Шаодат БОБОМУРОДОВА,** Оқдарё туманидаги «Бозоржой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.

орқали «Имом Ал Бухорий» мажмуасига борилди. Ҳозирда йўл четидаги уйларни бузиш ва улар ўрнига замонавий кўп қаватли уйлар қуриш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Бир сўз билан айтганда, кичик шаҳарчага айланяпмиз. Энг муҳими, маҳалланинг шу пайтгача идораси йўқ эди. Ҳозирда янги идорани қуриш ишлари авжида.

## МЕНДА САВОЛ БОР...

**Кадастр ҳужжати яроқсиз ҳолга келганда қаерга мурожаат қилиш керак?**

– Кадастр ҳужжати яроқсиз ҳолга келган. Уни янгилаш учун қаерга мурожаат қилиш ва қанча тўлов тўлаш керак?

**Бектош ИСМОИЛОВ,** Хоразм вилояти.

**Севара ЎРИНБОЕВА,** Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

– Қонунчиликка кўра, ариза берувчи кадастр паспортини олиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилади ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида давлат хизматидан электрон тарзда фойдаланиш учун рўйхатдан ўтади.

Кўчмас мулк объекти бўйича бирламчи кадастр йиғмажилди (паспорти) мавжуд бўлиб, бегоналаштирилганда ёки объектда ўзгаришлар (реконструкция, қўшимча ва алоҳида қурилиш) мавжуд бўлмаганда, кўчмас мулк объектнинг бир қисми бегоналаштирилганда объектнинг қолган қисмига ёки реконструкциясиз тоифаси ўзгарганда, кадастр йиғмажилди (паспорти) йўқолган (яроқсиз ҳолга келганда ва кўчмас мулк объекти кўрсаткичлари ўзгаририлмасдан) ҳолларда кадастр паспортини расмийлаштириш бепул амалга оширилади. Ушбу ҳолларда кадастр паспорти 3 иш куни мобайнида расмийлаштирилади.

# «ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» КЎНГИЛОЧАР МАСКАН ЭМАС

Ҳар миллат ва элатнинг ўз тарихи бор. Тарих замирида эса миллий ўзлиқни англаш, қадриятларга ҳурмат, аждодлар хотирасига эҳтиром туйғуси мужассам бўлмоғи лозим.

Айни шу мақсадга хизмат қилувчи «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ёш авлодни миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбияловчи масканга айланиши шарт.

Албатта, ушбу ҳудуднинг янада ободонлаштирилиши Ватанимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида қурбон бўлган халқимизнинг суюкли фарзандлари хотирасини абадийлаштиришга хизмат қилади. Бу мўъжаз масканга ташриф буюрган ёшларимиз, хорижлик сайёҳлар шу пайтгача етарлича тадқиқ қилинмаган ҳақиқатларини англаб етиши муқаррар.

Аммо кейинги вақтларда қурилиш вазирлигининг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасини реконструкция қилиш лойиҳаси ижтимоий

тармоқларда кескин норозиликларни келтириб чиқарди.

Бу бежизга эмас, албатта. Чунки Бўзсув соҳилида барпо этилган хотира мажмуаси ҳудудида шўроларнинг шафқатсиз зулм ва зўравонлик сиёсати қурбонига айланган юзлаб, минглаб ватандошларимиз, халқимизнинг не-не асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза кўмиб юборилган.

Бироқ шу ўринда хотирлаш мажмуасида велойўлаклар, велопрокат, амфитеатр, дўконлар, кафе, автотураргоҳ қурилиши қанчалик тўғри? Шу ва шу каби саволлар кишини ўйлантириб қўяди. Ахир, номи ва мақсадидан ҳам кўриниб турибди, бу ер шаҳидлар хиёбони.

Бундай масканда одамлар яйраб, ҳордиқ

чиқариши, тамадди-хоналарда ўз вақтини ўтказиши бу жойнинг ҳурмати ва мавқеини ерга уриб қўяди-ку!? Бу ерга келганлар аввало шаҳид боболаримизнинг руҳига Қуръон тиловат қилиб, хотирасини ёд оладилар. Бир оз тин олиб, ўша машъум тарихни бир-бир кўз олдига келтиради, бугунги осойишта кунларимизга шукроналар айтади.

Тинчлигимизнинг қадрига етадилар. Яъни, бу маданий эмас, инсон маънан, руҳан озуқа оладиган, тарихни ўрганадиган маскандир.

Назаримизда, ушбу мажмуани Президентимиз ташаббуси билан алоҳида эътибор қаратилаётган зиёрат туризм масканига айлантириш ҳамда бу ерда динимиз аҳкомларига мувофиқ зиёратчиларга замонавий шарт-шароитларни яратиш



**Муборак АХМЕДОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутати**

мақсадга мувофиқдир. Шу маънода, «Миллий фаоллари «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси ҳудудида дўкон, кафе, кўн-гилочар марказлар қурилишига қарши. Бу борадаги ҳар қандай қарор жамоатчилик розилигисиз амалга оширилмаслиги керак.

Миллий маданиятимиз ва тарихимизни

тарғиб қилувчи бу масканининг реконструкцияси билан боғлиқ ҳар бир жараён партиямиз депутатлари ва фаолларининг эътиборидан четда қолмайди. Тегишли вазирлик ва идоралар жамоатчилик, зиёлилар билан бу масалани жиддий муҳокама қилиб, тўғри қарор қабул қилишига умид қиламиз.

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# «ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ИЖАРАДА ИШЛАЯПМИЗ...»

Шукрки, бизда бошқалардагидек, солиқ йиғиш каби юмушлар йўқ. Қўлимизда планшет, шу боис қоғозбозлик ишларимиз ҳам анча енгиллашган.



**Улуғбек МУҲАММАДИЕВ,**  
**Вобкент тумани «Сўфидеҳқон»**  
**маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Ишсизлик ҳам камаймоқда. Ҳудудимизда 4 гектар иссиқхона ташкил этилди. Унда 10 киши иш билан банд. Яна 12 та хўжаликка субсидия асосида иссиқхона олиб берилди. Бир нафарига ҳоким-

лик томонидан бепул ажратилди.

Асосий муаммоларимиздан бири, ички кўчаларни асфальтлаш ва электр энергия таъминотини яхшилашдир. Яқинда асосий кўчамизни таъмирладик, би-

роқ яна 20 та кўчамиз турибди. 4-5 та кўчамиз қўлбола симёғочлардан иборат. Уларни темир-бетон устунларга ал-маштириб, 2 та трансформаторни янгиллаш зарур. Чунки куз-қиш мавсумида электр энергия кучланиши пасайиб, бир қатор ноқулайликлар туғди-роқда. Аҳолимиз битта қудуқдан ичимлик сув ташиб ичишади. Бундай қудуқлар сонини янада кўпайтирсак яхши бўларди.

Йиллар давомида ижарада туриб меҳнат қиляпмиз. Айни пайтда 18-мактаб биносида бир хонада ишляпмиз. Бизга ҳам янги маҳалла идораси қуриб берилса, иш фаолиятимиз янада яхшиланарди.

МЕНДА  
САВОЛ БОР...?

## Нотурар жойимни турар жойга айлантириш учун нима қилиш керак?

– Турар жойимнинг бир қисмини нотурар жой тоифасига ўтказганман ва кадастр ҳужжатини расмийлаштирганман. Энди ўша нотурар жойимни қайта бинонинг турар жой қисмига қўштирмоқчиман. Бу қай тартибда амалга оширилади?

**Элёр ҒАНИЕВ.**  
**Тошкент шаҳри.**

**Дилором РИЗАЕВА,**  
**Кадастр агентлиги етакчи мутахассиси:**

– Нотурар жойни қайта турар жой тоифасига ўтказиш учун тегишли ҳужжатлар билан жойлардаги Давлат хизматлари марказига мурожаат қилишингиз зарур бўлади. Шу билан бирга, кадастр ҳужжатларингизни қайта тайёрлаш учун ариза беришингиз мумкин.

# МАҲАЛЛА ҚАЧОНГАЧА ЧИҚИНДИ УЧУН ТЎЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРАДИ?

Бугунги кунда маҳалла раисининг иш фаолиятининг олдинги йиллардан мутлақо фарқи қилади. Иш ҳажми ҳам чегараланмаган. Энг қизиғи, барча соҳалар ва ташкилотлар айнан маҳалла раисидан маълумот олиш билан бирга, раиссиз биронта иши битмаслиги ҳам ҳақиқат.

Маҳалла ҳудудини озода ва чиқиндилардан холи тутишда ҳам раиснинг ўрни бор, албатта. Аммо аҳоли ўзи учун ҳам чиқиндиларни ўз вақтида бартараф этишни билиши керак эмасми?

### Муаммо нима?

Маҳалла раислари чиқиндиларни ташиш учун аҳоли билан шартнома тузиш ва тўловларни ундириш ишларига масъулми, деган саволга кўпчилик ижобий жавоб беради. Тўғри, авваллари улар чиқинди масалаларига кўп жиҳатдан масъул эди. Лекин **ҳозирга келиб вазият бироз ўзгарган**. Бу борада Президентнинг 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни

соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони қабул қилинган. Мазкур ҳужжатнинг 1-а-иловаси – «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига юклатилган, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг ваколатларини такрорловчи, ортиқча ва хос бўлмаган қисқартирилаётган вазифа ҳамда функциялар рўйхати»нинг 9-бандига асосан, **«чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича кўрсатилаётган хизматлар учун абонентлар**



**билан шартномалар тузиш ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш»** деган вазифалар бу органдан чиқариб ташланган.

Шунинг учун жойлардаги юридик ва жисмоний шахслар томонидан чиқинди ташиш бўйича шартномалар талаб даражасида тузилмаса ёки тўловлар ўз вақтида

тўланмаса, **бунга маҳалла органлари жавобгар бўла олмайди**.

**Яна бир гап.** Тошкентда жорий йилдан бошлаб чиқиндиларни саралаб йиғиш тажрибаси 24 та маҳалладан бошланади. Ушбу маҳаллалар аҳолисига рангли пакетлар берилади. Сарик пакетлар — қайта ишланадиган чиқиндилар (қоғоз ва пластик),

яшил пакетлар — органик чиқиндилар (озик-овқат қолдиқлари, барглар, ўтлар), кул ранг пакетлар — қайта ишланмайдиган чиқиндилар (оёқ кийимлари, салфеткалар, памперслар) учун мўлжалланган. Чиқиндиларни олиб кетиш учун ҳафтасига икки мартаба рангли: яшил ва кул ранг-сарик стикерли машиналар келади (ёзда кўпроқ келади). Ушбу мақсадда «Махсустрас» Осиё тараққиёт банки грант маблағлари ҳисобидан 59 та янги махсус машиналарни харид қилган ва уларга ҳозирги кунда стикерлар ёпиштирилмоқда.

**Нилуфар ЮНУСОВА.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# «ЖАМОАТЧИЛИК АСОСИДА ИШЛАЙДИГАНЛАРДАН НАТИЖА ТАЛАБ ҚИЛИШ ҚИЙИН»

Маҳалламиз ўз номига хос бўлиб, зиёлилар маскани ҳисобланади. Шу боисми, ҳудудимизда нохуш ҳолатлар, ажралишлар ва жиноятлар содир этилмайди. 2018 йилда қурилган маҳалла идораси биносида 9 та хона мавжуд бўлиб, ҳозирда унда маҳалла кутубхонаси, ўқув маркази ва бепул ҳуқуқий маслаҳатхона фаолият олиб бормоқда.

Айни пайтда «маҳаллабай» ишлаш тизимини йўлга қўйиб, уйма-уй юриб, барча хонадонларни ўрганиб чиқяпмиз. Йиғинимиз «Обод маҳалла» дастурига киритилган. Июнь ойидан ишлар бошланади. Ҳозирда югуриш йўлакчаси ва спорт майдончасини қуриш бўйича лойиҳани тайёрлаб қўйдик. Ҳудудимизга нуронийлар учун гузар қуриб берилса, яхши бўларди.

### Нима қийнайди?

Маҳалла раисини ҳужжат-бозлик қийнайди. Шунчалик хат-ҳужжат ва жадваллар кўпки, улгуришининг иложи йўқ. Баъзида «тез қилинг», «бугуннинг ўзида беришингиз керак», деган топшириқлар бўлиб қолади. Бу ишлар ҳар қандай раисни ҳолдан тойдириши тайин. Бу ўз-ўзидан иш сифатига ҳам таъсир этади. Маош берилмагани учун жамоатчилик асосида ишлайдиганлардан натижа талаб қилиш қийин.



**Ойдин ҲАЙДАРОВА, Мирзо Улугбек туманидаги «Олимлар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси.**

Ҳомий ҳам, тадбиркор ҳам ўз-ўзидан келиб нимадир қилиб бермайди. Бунда, албатта, маҳалла раиси воситачи бўлади. Ҳудуддаги «Тева» масжиди имом-хатиби Акбарали Маматовнинг маҳаллага ёрдами кўп сингмоқда. Мисол учун, боқувчисини йўқотиб, уч фарзанди билан қолиб кетган аёлнинг оиласига ҳар ой озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб туради, яқинда бир йигитни ўз ҳисобидан

уйлантриб қўйди, кекса онахонга газ плитаси олиб берди. Жуда кўп ҳолатларда ўз ёрдами ва маслаҳатини аямайди.

**Яна бир гап.** Маҳалламизда 27 нафар академик яшаб ўтган. Утган йили Юртбошимиз ташрифи чоғида академиклар музейи ва алоҳида кутубхона қилиб бериш тўғрисида топшириқ бергандилар. Бунинг амалга ошишини эса интизорлик билан кутмоқдамиз.

МЕНДА  
САВОЛ БОР...



## ОДАМ СОТГАНЛАР 5 ЙИЛГАЧА ҚАМАЛАДИ

— Бола ва чақалоқларни сотиш ҳолати тез-тез учрапти. Бунинг учун қонунда қандай жавобгарлик бор?

**Нурали ИСМАТОВ.**  
Қашқадарё вилояти.



**Севара ЎРИНБОЕВА,**  
Адлия вазирлиги ахборот хизмати раҳбари:

— Жиноят кодексининг

135-моддасида одам савдоси жиноятини содир қилганлик учун жавобгарлик чоралари белгиланган.

Ушбу моддага кўра, одам савдоси, яъни одамни олиш-сотиш ёхуд одамни ундан фойдаланиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш 3 йилдан 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 3 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

# ВАЗИРЛИКДА ЎҚИТУВЧИЛИКДАН ЧИҚҚАН ҚАНЧА ХОДИМ ИШЛАЙДИ?

Яқинда бир гуруҳ ўқитувчилар билан учрашдим. Таълимдаги муаммолар ҳақида сўраб, балога қолдим.

«Нима қиласиз, дардимизни тирнаб, бўр ва латта, ранги ўчган доска билан ўзгариш қилиб бўладими, қайси замонда яшаймиз ўзи?! — дея гап бошлади юзини ажин босган бир устоз. — Ўқитувчини конспект ёзишдан тўхтатиб, қуролсиз урушга ташладик. Электрон кундалик жорий қилиб, устознинг қўлига на ноутбук, на планшет бердик. Мактаблар рейтингини олий таълимга боғлаб, битирувчиларни ўқув марказларига қувдик. Дарсликларни пулли қилдик, лекин ҳамон китоб етишмайди. Яна қайси бирини айтай».

«Биласизми, таълимга оид қа-

рорлар нима учун сифатга хизмат қилмаяпти, — дея сўхбатга қўшилди яна бир устоз. — Чунки «юқори»да мактаб нонини емаганлар ўтирибди. Мактабда бир соат ишламаган олим дарслик ёзса, умрида қўлига бўр ушламаганлар сармасиз қарорлар чиқарса, таълимда ўзгариш бўладими?»

Қайси ўқитувчи билан гаплашмай, «таълимга масъул юқори идораларда мактабда камида ўн йил ишлаганлар ўтириш керак, акс ҳолда ўзгариш бўлмайди» деган гапни кўп айтишади. Тўғри, Халқ таълими вазири Шерзод Шерматов мутахассислиги техник, мактабда

ишламаган. Лекин унинг нечта ўринбосари бор.

Қизиқиб, вазирлик сайтига кириб, жамоанинг меҳнат фаолияти билан танишдим.

Устозларнинг айтганича бор экан: **вазирнинг тўрт нафар ўринбосари бўлса-да, ҳеч бири мактабда ишламаган, асосан, техник ва молиячилар экан.** Марказий аппаратнинг 40 кишидан иборат жамоасидан атиги адашмасам олти нафари мактабда ишлаган экан, холос. Сайтда вилоят бошқармалари бошлиқлари ҳақида маълумот берилмаган бўлса-да, энди уларнинг ҳам кўпчилиги таълимга алоқаси йўқлигига шубҳам қолмади.



**Жаҳонгир ЗИЯЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Хуллас, таълимда катта ўзгаришлар бўляпти, деб мақтанамиз, ўқитувчилар эса ҳеч қандай ўзгариш бўлмаётганини айтишади. Албатта, муаммо кўп, таълимга қанча маблағ ажратсак, шунча оз. **Аммо энг катта коррупция таълимда эканидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Маълумотга кўра, тизимда ўтган йили 192 млрд. сўмдан зиёд молиявий хато ва камчиликлар аниқланган.**

Албатта, бу билан

вазирликдагиларни айблашдан йироқмиз. Аммо бир нарса аёнки, **мактаб нонини еб, таълимда сочи оқарганларнинг бир ҳақиқати бор: мактаб ҳам масжиддек гап.**

Яқуний хулоса: **таълимдаги ҳар қандай ўзгариш, аввало, кўпни кўрган ўқитувчилар билан маслаҳат қилиниши, таклифлари ўрганилиши лозим. Акс ҳолда шунча маблағ, шунча ҳаракат ҳавога учиб кетаверади.**

## РАИС СЎЗ СЎРАЙДИ

# АЖРАЛИШ БОЖИНИ КАТТА СУММАДА БЕЛГИЛАШ КЕРАК

Маҳалламизда 6 минг 121 нафар аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг асосий машғулоти — деҳқончилик, боғдорчилик, томорқачиликдан иборат. Ҳозирда 20 тадан ортиқ хонадонда иссиқхоналар мавжуд. Йўл, ичимлик сув, электр энергияси борасида муаммолар йўқ. Худудда учта бола-лар боғчаси (иккитаси давлат-хусусий шериклик асосида қурилган) фаолият юритади, тикувчилик фабрикасида 70 нафардан зиёд маҳалладошимиз иш билан банд.



### Муаммо нимада?

Бизни ўйлантираётган асосий масала, бу — оилавий келишмовчиликлар, ажралишлар билан боғлиқ. Ишонмасиз, кунига 1-2 та хонадонни яраштиришга тўғри келади. Албатта, бу ўринда кўпни кўрган нуронийлар ҳаётий

тажрибасидан фойдаланишга ҳаракат қилмапмиз. Бироқ қанча ҳаракат қилмайлик, жорий йилнинг шу даврига қадар битта оила ажрашиб кетди. Ҳозир яна иккита оилани яраштиролмайдесак, қайнона кўн-майди, қайнонага бу

десак, келин ўжарлик қилади.

### Таклиф қандай?

Деярли ҳар куни оилавий ажралишлар масаласида юривериб, бир қатор таклифлар туғилди. Жумладан, ажралишга сабабчи бўлган шахсга қонуний чора кўриш вақти келди. Чунки маҳаллада бундай ҳолат кузатилса, йиғин ходимлари танбеҳ эшитадию, лекин ажрашган шахслар билан ҳеч кимнинг иши бўлмайди. Демак, никоҳ шартномасини йўлга қўйиш керак. Агар қайси-

дир томон ажралишда айбдор бўладиган бўлса, жарима тўлаши зарур. Бундан ташқари, ажралиш божини катта суммада белгилаб, ҳар икки томонга суд томонидан айбдорлик даражасига қараб бўлиб бериш керак.

**Яна бир масала шуки,** никоҳ ўқишни диний ташкилотларнинг туман бўлимларига ўтказиш керак. Ҳозирда озгина диний билимдан хабари борлар оқибатини хис қилмай, никоҳ ўқиб қўймоқда. Қолаверса, қонунчиликдаги фарзанд

воёга етгунга қадар она қарамоғида қолиши керак, деган талабни ҳам ўйлаб кўриш лозим. Амалиётда кўрпимиз, ажралишдан сўнг бола она билан кетади, она бошқа турмушга чиқади, фарзанд бувиши ёки бобоси билан қолмоқда. Бунинг ҳуқуқий томонларини бошқатдан кўриб чиқиш керак.

### Шарипбой БЕКЧАНОВ,

Элликқалъа туманидаги Дўстлик овул фуқаролар йиғини раиси.

# Mahalla

Ижтимоий-сиёсий,  
маънавий-маърифий газетаси

### МУАССИС:

«Mahalla» nashriyot-matbaa uyi»  
масъулияти чекланган жамияти

Бош директор  
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Администрацияси  
ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан  
2019 йил 24 сентябрда  
0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

### Бош муҳаррир Санжар ИСМАТОВ

Нашр навбатчиси: Р. Юсупов  
Навбатчи: Т. Шерноев  
Саҳифаловчи: И. Болтаев

Таҳририят манзили:  
Тошкент шаҳри, Мустақиллик  
шоҳкўчаси, 59-уй. Индекс: 100192  
Телефонлар:  
Қабулхона: 71 233-39-89,  
Котибият: 71 237-56-80,  
Факс: 71 233-10-73.  
Баҳоси келишилган нархда.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Формати — А-3, 6 босма табоқ, 8530 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-518 1 2 3 4 5 6